Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган Давлат университети
Ижтимоий-иқтисодий факультети

Ҳуқуқшунослик кафедраси

# БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ

**Мавзу:**

# ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

**Бажарди:** Муталиев Бекзодбек Тулкинбой ўғли
4 курс 402 гурух талабаси

**Илмий раҳбар:** юридик фанлари номзоди Қозиходжаев Ж. Х.

Наманган – 2014

МУНДАРИЖА


**Кириш** ........................................ 4-8

**I Боб. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, фирибгарлик жинояти тушунчаси, моҳияти ва унинг юридик тавсифи** ........................................ 9-21

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида жиноят процесси нормаларини либераллаштириш масалалари ва унинг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишдаги ўрни ва роли ........................................ 9-14

1.2. Фирибгарлик жинояти тушунчаси ва унинг моҳияти ........................................ 14-21

**II Боб. Фирибгарлик жиноятининг объектив ва субъектив белгилари** ........................................ 22-37

2.1. Фирибгарлик жиноятининг объектив белгилари ........................................ 22-31

2.2. Фирибгарлик жиноятининг субъектив белгилари ........................................ 31-37

**III Боб. Фирибгарлик жиноятининг криминалистик тавсифи** ........................................ 38-48

3.1. Фирибгарлик жинояти криминалистик тавсифининг умумий жиҳатлари ........................................ 38-40

3.2. Фирибгар ва жабрланувчи шахсларнинг шахсий тавсифи ........................................ 41-48

**IV Боб. Фирибгарлик жиноятини тергов қилиш методикаси** .. 49-58

4.1. Типик тергов вазиятлари ва дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ........................................ 49-55

4.2. Фирибгарлик жиноятини тергов қилишда келгуси тергов ҳаракатлари ва жиноятни содир қилинишига олиб келган сабаб ва шароитлар ........................................ 56-58

**Хулоса** ........................................ 59-60

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** ........................................ 61-65

# КИРИШ

**Битирув малака ишининг долзарблиги.** Иктисодий, ижтимоий ва ҳуқукий муносабатларни либераллаштириш - инсоният тараққиётининг энг улуғ кадриятларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда суд-ҳукук тизимини ислох килиш хамда фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Мазкур суд-ҳуқуқ ислоҳотининг энг муҳим йўналишлари- инсон ҳуқуклар ва эркинликларини муҳофаза этиш механизмини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва аҳолининг ҳукукий маданиятини оширишга қаратилди. Суд-ҳуқук ислоҳотларининг бир кўриниши сифатида жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси такомиллашмокда. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, айрим қонун нормаларини, биринчи навбатда, иктисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга каратилган қонун нормаларини қўллаш ҳолатларини танкидий баҳолашимиз лозим.

Иккинчидан, жиноят конунчилигида иктисодий жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини куллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу - конунчилигимизда иктисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндошувдир.[1] Жиноий жазоларни либераллаштириш йўли билан жиноят конунини такомиллаштириш максадида иктисодиёт сохасидаги жиноятларни илмий, назарий жихатларини урганиб чикиш, бу сохада мавжуд муаммоларни хал этишнинг усул ва воситаларини илмий асослаб бериш, бу борада қонун нормаларини такомиллаштириш буйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш мухим ахамият касб этмокда. Жиноят хукукий ислоҳотларни либераллаштириш буйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда юридик фаннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.[2]

---

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т 1 Тошкент. «Ўзбекистон», 1996 й

[2] Каримов И А «Адолат - конун устуворлигида Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиядаги нутки». Халк сўзи. 2001 йил. 30 август.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз иктисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади, унга қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга хилоф деб ҳисобланади.[3]

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги *“Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”* - деб номланган маърузасида “...фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин”лигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Шу муносабат билан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган вазифаларни, уларнинг фаолиятини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, глобаллашиб бораётган жамиятда пайдо бўлаётган янгича шаклдаги таҳдидларга қарши тура олиш даражасини қайта кўриб чиқиш ҳозирги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борада асосий эътибор суд ҳокимиятининг реал мустақиллигини таъминлашга, судларни ихтисослаштириш соҳасидаги ислоҳотларни такомиллаштириш, судьяларнинг мустақиллиги кафолатлари ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини ошириш, ҳуқуқбузарликка қарши кураш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва улар ўртасидаги ўзаро чегарани белгилашга, адвокатура институтини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоясини ташкил этишда уларнинг айблов тарафи билан тенглигини таъминлашга, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини инсон ҳуқуқларига нисбатан муносабатларида эскича қарашлардан батамом воз кечишга қаратилиш лозим.

Фирибгарлик мулкка қарши қаратилган жиноятлар ичида энг кўп тарқалганларидан бири бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли

[3]Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т., 2013 йил

билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Фирибгарликнинг ўзига хос хусусиятлари, нафақат унинг содир этилиши усули, балки қонунда махсус белгиланган тажовуз қилиш предмети ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарликка «*алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзгани мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритишдир*»[4] деб таъриф берилган.

Шу боисдан ҳам мазкур битирув малака ишида фирибгарлик жиноятининг тергов қилиш методикасининг илмий ва амалий манбалари мавзусини тадқиқ этишга қарор қилинди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзу бугунги кунга қадар ҳуқуқшунос олимлар томонидан умумий ва атрофлича тарзда ўрганилган. Бу борада хорижий олимлардан Белкин Р.С., Зорин Г.О., Дулов А.В., Вандышев В.В., Винберг А.И., Гаврилов А.К., Гапанович Н.А.,Громов Н.А. ва бошқаларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади [5].

Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан эса Абдумажидов Ғ., Иноғомжонова З.Ф., Норбоев А., Рустамбоев М.Х. ва бошқалар тергов экспременти ўтказишнинг процессуал тартиби юзасидан бир қатор изланишлар олиб боришган [6].

**Битирув малака ишининг мақсади ва вазифалари.** Битирув малака ишининг мақсади фирибгарлик жиноятининг тергов қилиш методикасининг илмий ва амалий манбаларининг моҳияти ва ҳуқуқий табиати хусусида

---

[4] Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси - Т.. Адолат., 2013 87- Б Рустамбоев М.Ҳ., Тохиров Ф Жиноят ҳуқуқи Махсус қисм. - Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2008 223- б

[5] Белкин Р.С. "Курс Криминалистики" I-том М 1997 г.. Зорин Г.О "Теоритические основы криминалистики" Минск "Амалфея" 2000г., Дулов А В "Криминалистика" Минск 1998 г, "Криминалистика" учебник под редакции Н.П Яблокова Изд "Бек" М 1996 г, Белкин Р С Теория ипрактика следственного эксперимента М.: 1959, Белкин Р.С., Белкин А Р Экперимент в уголовном судо-производстве М.: 1997., Вандышев В.В Уголовный процесс. Курс лекций. - СПб Питер, 2002. - 528 б.- (Серия «Учебники для вузов»)., Винберг А И "Криминалистика" 1950., Гаврилов А К «Раскрытие преступлений на предвари-тельном следствии»1983, Гапанович Н Н Опознание в следственной и судебной практике (тактика) Минск, 1978., Громов Н А Уголовный процесс России Учебное пособие М.: Юристь, 1998

[6] Криминалистика дарслик "Адолат" нашриёти. Тошкент 2008 й. 1,2-қисм проф.Абдумажидов Г.А, доц.А.Норбоев. доц.Р.А.Алимова ва бошқалар., Проф М.Х.Рустамбоев, доц.А.Норбоев "Криминалистика схемалар" Т ТДЮИ. 2002 й, Жиноят процесси (Умумий қисм) Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (доц. Иноғомжонова З Ф нинг умумий таҳрири остида). - Т., 2002 «Янги аср авлоди» - 384 б, Жиноят процесси дарслиги (Махсус қисм) Иноғомжонова З.Ф. умумий таҳрири остида - Т ТДЮИ, 2003. - 380 б., Иномжонов Ш.Х Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари Илмий-амалий қўлланма. Т Адолат, 2003 -178 б

мантиқий изчил назарий хулосаларни таърифлаш ва асослашдан иборат.

Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин:

1) фирибгарлик тушунчаси, вазифаси ва моҳиятини очиб бериш, унга муаллифлик таърифи бериш;

2) фирибгарлик жиноятининг тергов қилиш методикаси қўйиладиган талабларни ўрганиш;

3) фирибгарлик жиноятининг тергов қилиш методикаси илмий ва амалий манбаларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

4) фирибгарлик жиноятининг тергов қилиш методикаси жиноятларни очишдаги аҳамиятини ўрганиш.

**Битирув малака ишининг илмий янгилиги.** Фирибгарлик жиноятининг тергов қилиш методикаси илмий ва амалий манбаларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланганлиги, унинг жиноятларни очишдаги аҳамияти ҳамда инсонларнинг асосий шахсий ҳуқуқларидан бири нуқтаи назаридан кўриб чиқилганлигида ифодаланади.

**Битирув малака ишининг объекти ва предмети.** Фирибгарлик жиноятининг тергов қилиш методикасининг илмий ва амалий манбаларда жиноятларни очишдаги тутган ўрни тадқиқотнинг **объектини**, мазкур фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий қоидалар унинг **предметини** ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг ташкил топиши ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фундаментал асарлари, маърузалари, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз билан бир қаторда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари тадқиқотнинг илмий ўрганиш асосини ташкил этади.

**Битирув малака ишининг назарий ва услубий асослари.** Битирув малакавий иши ҳозирги кунда бўлаётган ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқувчи муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос ҳуқуқий ва ташкилий

асосларини ўз ичига қамраб олишини эътиборга олиб, уни баён этишнинг турли усуллари қўлланилади. Жумладан, мазкур ишда тарихий, қиёсий, ҳуқуқий, мантиқий ва изчилликка асосланган таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Мавзу оддий ҳамда тушиниш учун қулай бўлган усулда ифода этилиб, унда халқаро, чет элда ҳамда миллий қонунчилигимизда учрайдиган юридик терминлардан имкон қадар камроқ фойдаланилди. Баъзи сўз ва ибораларни кенгроқ шарҳлаш мақсадида саҳифа остига ҳаволалар қилиниб, уларга изоҳ ва тушинтиришлар берилди.

Битирув малака ишида Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ғоялар ва амалга оширилиши мўлжалланаётган таклиф ҳамда мулоҳазаларидан кенг фойдаланилди.

Танланган мавзу бўйича илмий тадқиқот ишини ёритишда таққослаш усулидан фойдаланиб, унда хорижий давлатларнинг суд ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидан, ҳуқуқшунос олимларнинг бу масалада чоп этилган ишларидан кенг фойдаланилди.

**Битирув малака ишининг методларини** тизимли, концептуал, статистик, социологик, жиноят ишидаги материал ва ҳужжатларни аниқ-таҳлилий ўрганиб чиқиш, формал-мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий, кузатув методларидан фойдаланилган.

Битирув малака ишининг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, хусусан, жиноят-процессуал қонунини такомиллаштириш юзасидан билдирган фикрлари ва ғоялари ташкил этади.

**Битирув малака ишининг тузилиши.** Битирув малака иши кириш, тўртта боб ва уларга тегишли параграфлар, хулоса қисми ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборатдир.

## I Боб. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, фирибгарлик жинояти тушунчаси, моҳияти ва унинг юридик тавсифи.

### 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида жиноят процесси нормаларини либераллаштириш масалалари ва унинг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишдаги ўрни ва роли.

"Биз бугун 2013-йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги - 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси - 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

2013-йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди" [7]. Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Умуман олиб қараганда, кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш - биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010-йилнинг ноябрь ойида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди.

[7] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т., Ўзбекистон. 2014. б. 1

Мазкур Консепция, моҳият эьтиборига кўра, узоқ муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таьминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича анча ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бундай ўзгаришларни барчамиз матбуотимизда ва телевиденийе орқали муҳокама қилинаётган лойиҳалар ва парламентимиз - Олий Мажлисимиз қабул қилаётган кўпгина қонунлар мисолида кўришимиз, кузатишимиз қийин эмас, албатта.

Шу борада ўтган давр мобайнида парламентимиз фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор тузатишлар қабул қилганлиги эьтиборга сазовордир. Қонунлар ва меьёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий фракцияларнинг роли кучайтирилгани ва бугунги кунда фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг фикр ва таклифларини ҳисобга олмасдан туриб биронта ҳужжат қабул қилинмаслиги бу йўлда катта қадам бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бугун олдимизда турган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифаси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаш, керак бўлганда, махсус қонунларни қабул қилиш лозим.

Консепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таьминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Аввало, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат

функциялари тўлик бекор килинди, прокуратура ваколатларидан суд карорлари ижросини тўхтатиб туриш хукуки чикарилди. Жиноят ишини юритишда суд назоратини мустахкамлаш, химоя ва айблов тортишувини таьминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштиришда "Хабеас корпус" институти кўлланишини кенгайтириш бўйича конун хужжатлари амалга оширилмокда.

Жиноят-процессуал конунчиликдан суднинг жиноят ишини кўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов хулосаларини эьлон килиш ваколатлари соkит килинди, судгача иш юритиш боскичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини кўллаш ваколатлари судларга берилди.

Қабул килинган конунчилик хужжатларига кўра, тезкор-кидирув ишларини олиб боришнинг аник асослари белгиланди, бу жараёнда конунчиликка риоя килиш, фукароларнинг хукук ва эркинликларини таьминлаш, маьмурий ўзбошимчаликка йўл кўймаслик бўйича реал хукукий кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ходимларининг ижтимоий химоясини тубдан яхшилаш, шунингдек, туман ва шахар умумий юрисдиксия судларининг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўгрисидаги фармонларининг кабул килиниши суд хокимиятининг нуфузини мустахкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратиш борасида мухим ахамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013-йилнинг июнь ойида кабул килинган "Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги карорига мувофик, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таьлим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислох килиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 6 мингдан ортди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилаётган маблағлар миқдори сўнгги уч йилда 2 баробар кўпайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга, шунингдек, ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилинмоқда. Концепция доирасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, айни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари бўйича жамоатчилик ўртасида муҳокамалар ўтказилмоқда. Бунинг яққол тасдиғини фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қарийб бир йилдан буён ўтказилаётган ҳуқуқий тажрибада кенг иштирок этаётганида кўриш мумкин.

Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантиқий йўли халқимиз, жамоатчилигимизнинг намояндалари бўлмиш вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришни талаб этмоқда. Айни шу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси - Сенат ҳамда қуйи - Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул

қилинган қонунларнинг ижросини текшириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шулар қаторида Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулиятини ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва тегишли хулосалар чиқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, пухта ўйланган бундай ислоҳотларни давом эттириш биз кўзлаган, яъни "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш" тамойили - принципини амалга оширишда янги қадам бўлади.

“Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур.

Бошқача қилиб айтганда, демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор.

Биз бу ўринда ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партияларни кўзда тутамиз. Сўз, аввало, ўз электоратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозонган партия ҳақида бормоқда.

Ушбу масалаларнинг барчаси 2014-йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловлари нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларни якунлаб, хулоса қилар эканмиз, Конституциямиз муқаддимасига бугун яна бир бор мурожаат қилиш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Ушбу муқаддимада, жумладан, қуйидаги қоида баён қилинган: "Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади".

Мен бугун ушбу муҳташам залда тўпланган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман. Биз ўтган йиллар давомида амалга оширган барча эзгу ишларимизни давом эттириб, келгусида ҳам ўз танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва Конституциямизда белгилаб берилган барча олижаноб мақсад-муддаоларимизни сўзсиз амалга оширамиз" [8].

### 1.2. Фирибгарлик жинояти тушунчаси ва унинг моҳияти.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кўраш сиёсати, шу қаторида жиноят ҳуқуқий сиёсати соҳасида ислоҳотлар амалга оширилиб, уларда жазоларни ойдиллаштиришга, жазо тайинлашда инсон ҳуқуқларига одилона ёндашишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, жиноят жиноят қонунчилигида амалга оширилган ва кутилаётган ўзгаришлар, жумладан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормалар доирасини ҳам қамраб олиши мумкин.

[8] "Амалга ошираетган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир". Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси Т., Ўзбекистон. 2013. 18-25-б

Чунки бу соҳада жиноий қилмиш сифатида жиноят қонунида жавобгарлик ва жазо белгиланган кўпгина нормалар либераллаштириш кераклигини тақозо этади. Шу муносабат билан давлатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақирик VI сессиясида сўзлаган маърузасида жиноий жазоларни либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида муҳим таклифларни баён қилдилар.

Фирибгарлик мулкка қарши қаратилган жиноятлар ичида энг кўп тарқалганларидан бири бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Фирибгарликнинг ўзига хос хусусиятлари, нафақат унинг содир этилиши усули, балки қонунда махсус белгиланган тажовуз қилиш предмети ҳам ҳисобланади.[9]

Бизга маълумки, жиноятчиларнинг ноқонуний бойлик орттириш усуллари орасида фирибгарлик алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарликка «алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзгани мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга кирритишдир»[10] деб таъриф берилган .

Алдаш - бу мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ишониб топпширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан бериши, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай фактни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилишдир. Алдаш шакллари турли-туман бўлиб, уни масалан, қалбаки бланкалар, ишончнома, мухр, гувоҳнома кабилардан фойдаланиб амалга ошириш мумкин.

Айбдор фирибгарликни содир этишда сохта ҳужжатлардан фойдаланса, унинг қилмиши фирибгарлик таркиби билан қамраб олинади ва у Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-модддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди.

---

[9] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар. Тошкент. 2006 йил.

[10] Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси - Т. Адолат., 2013. 87-б. Рустамбоев М.Х., Тохиров Ф. Жиноят ҳуқуки. Махсус қисм - Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2008. 223-б

Фирибгарликнинг талон-тарождаги ўгрилик, талончилик, босқинчилик шаклларидан фарқи шундаки, фирибгарликда жабрланувчининг ўзи мулкни айбдорга ишонгани ёки алдангани сабабли ихтиёрий равишда бериб юборади.

Жисмоний шахснинг алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиб бирон-бир маблаг, пенсия, нафақа ёки бошқа тўловлардаин қасддан қонунга хилоф равишда олишини фирибгарлик деб классификация қилиш керак.

Алдаш бу бир шахснинг иккинчи бир киши онгига ва иродасига ақлий, ахборот орқали таъсир ўтказишдир. Алдаш ҳамма вақт ҳам жабрланувчи томонидан шу алдовга руҳий жавоб қайтаришга мўлжаллангандир.

Ҳар қандай қилмиш каби алдов ҳам мазмун ва шаклга эгадир. Фирибгарона алдовни ўз мазмунига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) шахсга тааллуқли бўлган алдов. Инсонларни алдаш йўли билан уларнинг мулкини ва мулкий ҳуқуқини қўлга киритиш амалиётда тез - тез учраб туради. Одатда, фирибгарлар ўзлари ёки жиноий шериклари ҳақида ёлғон хабар тарқатади. Алдов учинчи шахсга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин, агар бу пайтда учинчи шахс ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлса. Масалан, айбдор жабрланувчига вафот этган шахс унинг яқин қариндоши эканлигини ёки тирик бўлса, ишончли кишиси эканлигини айтиб, мулкни ёки мулкий ҳуқуқни қўлга киритади.

Фирибгар ўзини бошқа бир шахс деб таништириб, жабрланувчини янглиштириши ва ўзига бўлган ишончни янада орттириб, ёлғон ваъдалар бериб, мулкни эгаллаб олиши мумкин.

Кўп холларда фирибгар ўз шахсига тааллуқли бўлган қалбаки ҳужжатлар билан товарларни кредит ёки прокат учун олиши мумкин. Бунда фирибгар нафақат ўз номидан алдамоқда, балки ўзининг харакатларида ҳам алдов ишлатади. Олинган нарсаларни ўз вақтида қайтаришни ваъда қилсада, ўз ваъдасини ҳеч қачон бажармайди.

Жиноятчилар фақатгина ўзгалар номидан фойдаланмасдан, ўзини бошқа шахс деб ҳам кўрсатиши мумкин.

Масалан, гардеробга ўзга номерни олиб келиб, ўзини пальтонинг, портфелнинг қонуний эгасиман деб кўрсатиб, уларни олиб кетиши мумкин, чунки унинг фамилиясини гардеробчи учун аҳамияти йўқ.

Фирибгарликда шахс ўзининг шахсий сифатларини бўрттириб кўрсатиб, жабрланувчини янгилиштиради ва бу ҳолатдан фойдаланиб, ёлғон ваъдалар бериб, мулкни қўлга киритади. Масалан, бирор шахсдан ноёб бирор товар учун деб пул олмоқчи бўлса, ўзини савдо ходими қилиб кўрсатади.

2) нарсаларга алоқадор бўлган алдов.

Одатда, бундай алдовларда жиноятчи бирор мулкни сотувчи, жабрланувчи эса уни сотиб олувчи бўлади. Мавжуд бўлган нарсанинг пулини айбдор алдов йўли билан олади ёки йўқ нарсани сотишни ваъда қилади. Алдов нарсанинг сифати ва ўлчамига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Айбдор нарсани топширганда, унинг миқдори, ҳажми, вазни келишилганидан ҳам кам бўлади. Ҳар қандай нарса, қалбакилаштириш йўли билан алдов қуроли бўлиши мумкин. Бу маҳсулот сифатининг олдинги сифатидан ёмонлашуви (сутга сув қўшиш) ёки нарсани ташқи кўринишини қимматбаҳо қилиб кўрсатиш (металл устидан тилло сув югуртириш), нарсани ташқи кўринишидан худди ўхшатиб ясаш, бунга «қўғирчоқ» пуллар, яъни усти ва остида 1-2 купюра, қолганлари қоғоздан бўлган пуллар дастаси мисол бўла олади.

3) турли маълумотлар ва ҳаракатлар ҳақида ишлатиладиган алдов.

Фирибгарона алдов мазмунини бажарилган бирон-бир иш ҳақидаги маълумот ҳам вужудга келтиради. Алдов билан бажарилган иш учун деб пул олинган бўлсада, иш умуман ёки лозим даражада бажарилмаган бўлса ҳам, бу қилмиш фирибгарлик деб классификация қилинади.

4) маълумки, фирибгарлик савдодан ўсиб чиққан. Фирибгар олинган нарса учун пул тўланганини айтиб сотувчининг хотирасини синаб кўради ва зўр бериб пул тўланганлигини исботламоқчи бўлади. Одатда, бундай ҳолларда, унинг шериги гувоҳ бўлиб сотувчи пулни олганлигини тасдиқлайди.

Ёлғон ваъдалар бериб алдашга жабрланувчи фойдасига бирор мухим ишни бажаришни ваъда бериб мулкини олади. Айбдор ўз ваъдасини бажаришга ҳам ҳаракат қилмайди, ўзганинг мулкини олиб ўз хохишича фойдаланади. Фирибгарликда ёлғон ваъдалар турли хил бўлиши мумкин, лекин улар доимо мулкни олишга ёрдам беради. Мулкни олишда ёлғон ваъдалар асос бўлиб хизмат қилсада, гоҳида қўшимча алдов ҳам ишлатилади. Қўшимча алдов жабрланувчида ишонч туғдириш учун унга берган ваъдасини реал бажариш мумкинлиги ҳакида тасаввур туғдириш учун ишлатилади. Баъзида фирибгар жабрланувчининг мулкини олишдан олдин ўзининг ҳаракатлари билан унда ижобий таассурот қолдирмоқчи бўлади: жабрланувчи иштирокида «омборга телефон қилади ва товарларнинг хужжатларини тезрок расмийлаштиришларини, ўзлари эса тезда етиб боришларини» айтади[11]

Фирибгарлар кишиларнинг ўз хукукларини яхши билмасликларидан актив фойдаланиб яшаш учун рўйхатга қўйиш, уй-жой қуриш учун участка олиб бериш, суд хукмини ўзгартириш ва бошқа масалаларда ёрдам қўлини чўзадилар. Масалан, Бекобод шаҳар ИИБга қарашли тиббий ҳушёрхонада милиция ҳайдовчиси бўлиб ишловчи О.Тожибоев бозордан «Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Олмазор қишлоқ фукаролар йиғини, рўйхатга қўйилди», -деган сохта ёзувли штампни сотиб олади. Бекобод шаҳри Тожикистон Республикаси билан чегарадош эканлигидан фойдаланиб. Тожикистон Республикаси фуқароларига шу штампни паспортларига босиб, 100 минг сўмдан пул олади. Жабрланувчи Н.Эргашев айбдор билан танишиб қолади ва хотини Тожикистон Республикаси фукароси эканлигини айтади. Унинг 100 минг сўм пулини олиб, хотинининг паспортига ушбу штампни босиб беради. Жабрланувчи туман паспорт бўлинмасига борганида бу қалбаки штамп эканлиги маълум бўлади.

Алдашнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этиладиган шакллари мавжуд. Ҳаракат билан алдаш, бошқа бир шахсни янглиштириш ёки мавжуд бўлган янглишишни мустаҳкамлаш мақсадида қилинади.

[11] Маматалиев А. Фирибгарона алдов. Адвокат , 2001 №1 47-б.

Алдов ҳаракатлари ёлгон ваъдаларга қараганда шахсга кўпрок ишонч уйготади. Бу ҳаракатлар ўзида ёлғонни тасдиқлаш билан бирга далилларни ҳам ишлатадилар. Милиционер формасини кийиб олган субъект тинтув ўтказиб, уйдаги қимматбаҳо нарсаларни рўйхат қилади. У милиция ходими эканлигини тасдиқлабгина қолмай, ўзининг ҳаракатларини устидаги кийиб турган формаси билан исботламоқда.

Ҳаракатсизлик билан содир этиладиган алдовда, айбдор ҳақиқатни айтмасдан жабрланувчини янглиштиради, алдов нарсаси яхши эмаслигини яшириш мақсадида уни кандай камчилиги борлиги ҳақида била туриб, ҳақиқатни айтмайди.

Алдашнинг барча шакллари оғзаки ёки ёзма равишда ёлгон ахборот етказишдан иборатдир. Алдовнинг оғзаки тури қулайлиги, оддийлиги, муомаланинг бевоситалиги ва бошқа усуллари билан ўзига хосдир. Ёзма турдаги алдаш эса кўп ҳолларда узоқроқ масофалар билан алока ўрнатиш учун ишлатилади.

Ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдор шахс томонидан ўзганинг мулкини қонунга хилов равишда ўз фойдасига олиш учун ўзи ва мол-мулк эгаси ёхуд мулк эгалиги ихтиёрида турган шахс ўртасида алоҳида, ўзаро ишончга асосланган муносабатлардан қонунга хилоф равишда мулкни ўз фойдасига олиш учун фойдаланиш тушунилмоғи лозим. Ишончға асосланган муносабатлар фирибгар ва жабрланувчи шахс ўртасида прокат, ижара, олди-сотди, топширик шартномаси ва ҳоказоларда вужудга келиши мумкин[12].

Фирибгар ниятига эришиш учун қариндошчилик, дўстлик муносабатларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Суд-тергов амалиётида фирибгарликни ўғриликдан фарқлашда айрим қийинчиликлар вужудга келади. Фирибгарликни содир этишда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш ўзганинг мулкини қўлга киритиш усули бўлиб хизмат қилади, ўғрилик содир этишда алдашни қўллаш ўғриланадиган нарсани қўлга туширишни енгиллаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

---

[12] Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. - Т. Ўкитувчи. 2003- 244-б

Фирибгарлик содир этилганда жабрланувчи шахс мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқни фирибгарга ўзи ихтиёрий равишда топширади, ўғрликда эса айбдор шахс мол-мулк эгасининг ёки мол-мулк кимнинг ихтиёрида турган бўлса, ўша шахснинг рухсатисиз яширин равишда талон-тарож қилади. Яна шуниси борки, фақат ўзганинг мулки ўғрилик предмети бўлиши мумкин, фирибгарлик предмети эса ўзганинг мулки ёки унга бўлган мулкий ҳуқуқи ҳамдир[13].

Бу тоифадаги жиноятларнинг латентлилиги (рўйхатга олинмаганлиги) юқори эканлигини таъкидлашимиз зарур. Мазкур мавзу бўйича номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилган Н.Борзенков шундай дейди: «Фирибгарларга бепарволик, пала-партишлик, анқовлик қўл келади, яъни мазкур жиноятнинг содир этилиши кўп жихатдан жабрланганларнинг ўз феъл-атворига боғликдир. Улар кўпинча ноқонуний бойлик орттириш ёки белгиланган меъёр ва коидаларга хилоф тарзда бирор кулайлик, моддий ашёга эга бўлиш максадида шубҳали битимлар тузадилар»[14].

Жабрланганлар тоифасига кирувчи бундай фукаролар ачинишга арзимайдилар, чунки аслида автомашина, мебеллар ёки бошқа кимматбаҳо ва кўпинча зарур бўлган буюмни навбатдан ташкари, камёб молни «орқа» эшикдан олишга ва ҳоказоларга интилиб, ўзларининг чув тушишларига шароит яратадилар.

Шундай вокеалар ҳам маълумки, киши ташқи кўринишидан ўзини рисоладагидек қилиб кўрсатади, аслида эса бутунлай бошкача бўлади; у одамлар ишончини қозониб олиб, алдаш йўли билан фирибгарлик ёки талончилик қилади[15].

Ҳозирги кунда фирибгарлик хизмат кўрсатиш, хонадон ва уйларни алмаштириш ва сотишда, савдо соҳасида, пулни чет эл валютасига ноконуний алмаштиришда ва бошқа соҳаларда кўплаб содир этилмоқда.

Тергов ва суд амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, фирибгарлар одатда, ноқонуний бойлик орттиришнинг муайян усуллари

---

[13] Рустамбоев М.Ҳ., Тохиров Ф. Жиноят хукуки. Махсус кисм. - Т.: Иктисодиёт ва ҳукук дунеси 2008 224-б
[14] Борзенков Н. Ответственность за мошенничество М., 1999 г
[15] «Ровесник», 2008, №8 6-б.

буйича ихтисослашадилар. Улар пул ва бошка кимматбахо буюмларни олиб куйишнинг турли-туман йулларини яхши биладилар.

Р.А.Собиров таъкидлаганидек, «Фирибгарлик билан алдашда ҳамиша унга жавобан ўзини кандай тутишга эътибор каратилади, яъни алдаётганда, асосан факат *чалғитиш учун харакат қилинмайди, балки алданаётган* шахснинг ўзини маълум ҳолатда тутишга кўндиришга харакат қилинади»[16].

Шу билан бирга, алдашда ўзининг асосий максадига, яъни алданган киши жиноятчига ўз мулкини ёки мулкий ҳуқуқини ихтиёрий суратда беришига эришиш кўзда тутилади.

Фирибгарлик килаётганда айбдор шахс ўзи баён этаётган ахборот ёлғон эканлигини билиб, тушуниб туради ва маълум усуллар билан онгли равишда жабрланувчини чалғитади[17].

Доимо ёдда тутинг: замонавий фирибгар - жуда тажрибали руҳшуносдир. Сизнинг паришонхотир, ҳушёрлиги сусайган қиёфангиз улар учун мисол бир «таклифнома» .

---

[16] Собиров Р А Обман как средство совершения преступления. Омск, 1993 С-13

[17] Иркаходжаев А К Субъективная сторона хищения социалистического имущества, совершенного путем мошенничества *«Уголовно-правовые меры борьбы с преступностью»* Т , 1997 29-б

## II Боб. Фирибгарлик жиноятининг объектив ва субъектив белгилари.

### 2.1. Фирибгарлик жиноятининг объектив белгилари.

Фирибгарлик жиноятининг объекти ўзганинг мулки ҳисобланади. Тажовуз предмети мулкдан ташқари юридик категория сифатида ўзганинг мулкига бўлган хуқуқ, мулкка бўлган алоҳида ваколатлар (масалан, айбдор уйда яшаш ҳуқукини қўлга киритиши мумкин) ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар турли хил ҳужжатларда, масалан, васиятнома, суғурта полиси, муайян бойликларни олиш учун ишончнома, турли хил кимматли қоғозларда мустаҳкамланган бўлиши мумкин. Номи ёзилган кимматли қогозларда тасдикланган мулкий ҳуқуқлар талаб килинганида, талаблар (цессия)ни қондиришнинг белгиланган тартиби асосида берилади. Ордер бўйича ҳуқуқ, яъни шахсга ёки унинг топшириғига кўра ушбу ҳужжат бўйича ўзга шахсга берилган ҳуқуқ хусусидаги ўтказиш ёзуви - индоссамент киритилиб, ижро амалга оширилиши мумкин. Қимматли қоғозда амалга оширилаётган индоссамент ушбу ҳужжат ўтказилаётган шахсга унга эгалик қилишга бўлган барча ҳуқуқларни ўтказади.

Бизга маълумки, жиноятнинг объекти жиноят таркибиниг элементларидан биридир. «Жиноят ҳуқуки назариясида жиноятнинг объекти деб, жиноят қонуни билан қўрикланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.»[18]

Жиноят объектининг турлари жиноят ҳуқуки назариясида учга бўлиб тахлил килинган бўлиб, булар умумий, махсус ва бевосита объектлардан иборат. Жиноят курикланадиган объектга карши қилинган ижгимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликликнинг ташки холатини ифодаловчи белгилар жиноятнинг объектив томони деб аталади.

Жиноят ҳуқукида умумий объект деб, жиноят конуни билан қўрикланадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Жиноят қонуни билан қўрикланадиган ижтимоий муносабатларнинг маълум сохаси махсус объект дейилади. Жиноий ҳаракат бевосита қаратилган жиноят қонуни

[18] М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуки. Махсус кисм. Т. 2008 йил.

конкрет нормаси билан қўриқланадиган муносабат жиноятнинг бевосита объекти дейилади. Жиноятлар бевосита объекти билан бир-биридан фарқ қилади. Фирибгарлик жиноятининг объекти - бу ўзга кишининг мулки ва мулкий ҳуқуқлари бўлади. Фирбгарлик ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгалланиши учун алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритишда ифодаланади[19].

Шуни таъкидлаш жоизки, фирибгарлик учун ўзганинг эгалигида бўлган мулкни олиб қўйиш хосдир. Бироқ фирибгарлик айбдорнинг мулкка нисбатан тасарруф этиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари бошқа муайян ҳуқуқи бўлган мулкни эгаллашга ҳам қаратилиши мумкин.

Фирибгарлик жиноятининг предмети, нафақат мулк, балки унга бўлган ҳуқуқлар ҳам бўлиши мумкинлиги жиноятнинг тугалланган вақтини аниқлаш учун аҳамиятга эгадир. Мулкий ҳуқуқларни ўзида акс эттирувчи ҳужжатлар турли хил фирибгарлик операцияларининг предмети бўлиши амалиётда учрамоқда. Фирибгар қўлга киритилган мулкка нисбатан ҳуқуқларни акс эттирувчи ҳужжатларни олган вақтидан бошлаб, ушбу ҳужжат бўйича фирибгар тегишли мулкни буюм ёки пул эквивалентида қўлга киритганлигидан қатъий назар, жиноят тугалланган ҳисобланади. Бошқача айтганда, мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиши натижасида айбдор мулкнинг ўзини ҳам қўлга киритади.

Жиноятнинг объектив томонига берилган бу тушунча барча жиноятларнинг, шу жумладан фирибгарлик жинояти объектив томонининг ҳам умумий таърифи ҳисобланади. Жиноят кодексининг махсус қисми моддаларининг диспозициясида ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи белгилар кўрсатилади.

Объектив томондан фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Жисмоний усул хос бўлган бошқа кўпгина жиноятлардан фарқли равишда фирибгарлик жиноятида айбдор ҳаракатлари

---

[19] М.Х.Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи Махсус қисм 1 2008 йил

ахборот хусусиятига эга бўлади ёки айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч асосида шаклланган бўлади. Қонунда мулкни эгаллаш ёки мулкка бўлган ҳуқуққа эга бўлиш усули сифатида мазкур талон-тарож қилиш шаклининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ёлғон ёки ишончни суиистеъмол қилиш кўрсатилган. Бироқ, алдаш ҳали мол-мулкни олиш ва уни жиноятчи фойдасига ўтказиш, дегани эмас. Фирибгарлик таркибида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш асосий ҳаракат содир этилишини таъминлайдиган ёрдамчи ҳаракат сифатида амалга оширилади.

Фирибгарликда асосий ҳаракат деганда, жиноят субъекти томонидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш билан шартланган, мулкни мулкдорнинг эгалигидан айбдор ёки у кўрсатган шахслар фойдасига ўтказиши тушунилади. Худди шу алоқадор ҳаракатлар фирибгарликнинг объектив томони белгиларини ташкил этади. Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, ташқи тарафдан мулкдор томонидан мулкни «ихтиёрий» равишда бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш кузатилади. Айнан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш мулкдорда ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасида мулкни ёхуд мулкий ҳуқуқларни жиноятчига ўтказиш фикрини туғдиради. Шу усулда жабрланувчининг онги ва ихтиёрига таъсир этиш ёки унинг ишончини суиистеъмол қилиш орқали фирибгар мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтказиш мақсадига эришади. Бу ерда алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш талон-тарож қилишнинг зарурий усули сифатида гавдаланади.

Жиноятни содир этиш усулларининг ўзига хослигига қараб, қонунда фирибгарлик икки турга ажратилади:

• алдаш йўли билан талон-тарож қилиш;

• ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилиш[20].

Суд-тергов амалиёти, шунингдек, жиноят ҳуқуқи назарияси фирибгарликни содир этиш усули сифатида қуйидаги алдаш тушунчасини ишлаб чиққан, яъни алдаш деганда, мол-мулк эгаси ёхуд мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши

[20] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т 2006 йил

билан бериши, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай факт бузиб кўрсатилиши ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилиш тушунилади. Шуни эътиборга олиш лозимки, агар ҳар қандай фактни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш қасддан содир этилганлиги исботланмаса ва алдаш усули мавжуд бўлмаса, қилмиш фирибгарлик сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Фирибгарликда қасддан ҳақиқатни яшириш воситаси сифатида алдаш жабрланувчига хабар берилиши лозим бўлган факт ёки ҳолатлар ҳақида индамаслик орқали содир этилган бўлса, фирибгарлик алдаш усули билан содир этилган, деб қайд этиш зарур бўлади. Фирибгарлик билан талон-тарож қилишга ўлган шахс учун доимий равишда тўловлар олиб туриш мисол бўла олади. Шунга эътибор бериш лозимки, бундай ҳаракатлар тасодифий хусусиятга эга бўлмаслиги лозим. Бунда айбдор вужудга келиши мумкин бўлган фирибгарлик имконияти ҳақида билади ва пул маблағларини олиб яширади ҳамда ноқонуний олинган мулкни ўзининг фойдасига айлантиради. Ўзганинг мулкини олиш тасодифий хусусиятга эгалигини фирибгарлик сифатида квалификация қилиш мумкин эмас[21].

Алдаш ўтмишдаги, келажакдаги ёки ҳозирги факт ёхуд ҳолатларга нисбатан бўлиши мумкин.

Алдаш фирибгарлик билан талон-тарож қилиш усули сифатида айбдорни ҳақиқий мақсадларига (масалан, мулкни қайтариб бермаслик мақсадида қарзга олиш); предметга унинг нархи, миқдори ва сифатига (рангли металлардан фойдаланган ҳолда тилла буюмлар сифатида ҳар хил нарсалар ишлаб чиқариш, тўлиқ бўлмаган товарни тўлиқ нархида сотиш) тааллуқли бўлиши мумкин. Алдаш, шунингдек, фирибгарнинг шахси, унинг мансаби ва ижтимоий мавқеи, касбига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, шахс ўзини солиқ инспекцияси ходими сифатида таништиради ва солиқ тўловлари сифатида пул маблағларини олади).

Алдаш таркибига, шунингдек, бевосита мулкни топшириш учун асос ҳисобланмайдиган, лекин жабрланувчи томонидан мулкни топшираётган

[21] М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. I. 2008 йил

вақтда ҳисобга олинадиган бошқа ҳолатлар ҳам кириши мумкин. Бундай ҳолатлар сифатида қалбаки гувоҳномани тақдим этиш, «квитанция» ёзиш, қалбаки сертификат кўрсатиш бўлиши мумкин.

Фирибгарлик алдовларининг шакллари хилма-хилдир. Алдаш оғзаки ёки ёзма шаклда, битим предметини қалбакилаштириш шаклида, карта ўйинларини ўйнашда кўзбўямачилик усулларида, ҳисоб-китоб қилишда қалбакилаштирилган тўлов предметларидан фойдаланиш шаклида бўлиши мумкин. Қоида бўйича, фирибгарлик ҳаракати содир этилишида турли хил алдаш шаклларидан фойдаланилади[22].

Фирибгарлик алдови қандайдир моддий воситалардан фойдаланган ҳолда ҳам, уларсиз ҳам содир этилиши мумкин. Жабрланувчининг мулкига тажовуз қилишда алдашнинг моддий воситалари сифатида кўпинча сохта ҳужжатлар ишлатилади.

Айбдор фирибгарликни содир этишда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланса, унинг қилмиши фирибгарлик таркиби билан қамраб олинади ва ЖКнинг 228-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилинмайди. Ҳужжатларни сохталаштириш фирибгарлик усули сифатида тан олиниши мумкин эмас, чунки фақатгина сохталаштириш ҳаракати билан мулкни талон-тарож қилиб бўлмайди.

Қалбаки ҳужжатларни тайёрлаш фирибгарликни содир этишга тайёргарлик кўриш ҳисобланади. Агар шахс қалбаки ҳужжатлардан фирибгарликда фойдалана олмаса, жиноятлар мажмуи бўйича фирибгарликка тайёргарлик кўриш ва ҳужжатларни қалбакилаштириш учун жавобгарлик келиб чиқади (ЖКнинг 168 ва 228-моддалари). Шунга эътибор бериш лозимки, агар сохта ҳужжат (касаллик варақаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, маълумотнома ва ҳоказо) фирибгар томонидан тайёрланмаган бўлиб, у бошқа шахс томонидан тайёрланиб, ушбу шахс ҳужжатдан талон-тарож қилишда фойдаланишини билган бўлса, унда бу шахс, нафақат, ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун, балки фирибгарлик орқали талон-тарож қилишда ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади.

---

[22] М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Т. 2008 йил.

Фирибгарлик оркали калбаки ҳужжатлардан фойдаланишнинг энг кенг таркалган турларига ноконуний равишда юкори иш ҳаки, пенсияга, нафакаларга ва бошка даврий тўловларга фоиз кўшимчалари олиш кабилар киради. Ушбу ҳолатда фирибгарлик ёлғони таркибига соғлиғи, ёши, меҳнат иш ҳаки, ўртача иш хаки тўғрисида ёлғон маълумотлар бериш киради. Айбдор буларни магистрлик, докторлик ёки фан номзоди дипломи, профессор ёки доцент аттестати, шифокор, ўкитувчи бўлиб ишлаши ҳакидаги «ҳукук ўрнатувчи» ҳужжатлар билан тасдиклайди. Ушбу ҳаракатлар кисман кайтарилмаслиги ва касддан содир этилганлиги учун талон-тарож килишнинг барча белгиларига жавоб беради, бирок, унинг микдорини олинган барча пул маблағи эмас, балки фоиз устамалари ёки оддий ва оширилган иш хаклари ўртасидаги фарк ташкил этади. Масалан, илмий даражага эга бўлмаган давлат олий ўкув юртининг ўкитувчиси томонидан алдаш йўли билан ноконуний равишда илмий даражаси учун ортикча пул суммаси олиши. Шу ўринда сохта ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш билан боғлик фирибгарликни калбаки диплом оркали ишга жойлашиш ва шахс эгаллаш ҳукукига эга бўлмаган лавозим мажбуриятларини бажарганлиги учун тегишли иш ҳакини олганлик ҳолатидан фаркламоклозим. Бу ҳолатда фирибгарлик жиноятининг таркиби йўк, чунки ўзганинг маблағларини копламасдан олиш ҳолати мавжуд эмас[23].

Фирибгарлик сифатида бир шахснинг ўзга шахс, яъни уларни олишга ҳакикий ҳукуки бўлган шахс номидан сохта ишончномани такдим этиш оркали бошка шахсга мўлжалланган пул маблағларини олишни алдаш йўли билан турли хил пул тўловларини ўзлаштириш тарикасида квалификация килмоклозим. Фирибгарлик таркибига, шунингдек, жабрланувчига ёмон сифатли арзон нархли буюмларни бериш билан боғлик турли хил шартномаларни амалга оширишни (олди-сотди, ижара ва ҳоказо) ҳам киритиш мумкин. Кўп ҳолатларда ўзганинг мулкини эгаллаш имконияти учун калбаки шартномани тузишнинг ўзи етарлидир. Бу ерда фирибгар умуман мавжуд бўлмаган ёки ўзига тегишли бўлмаган буюм учун пул олиши мумкин.

Фирибгарлик умуман бажарилмаган ёки кам ҳажмда бажарилган иш

[23] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар 1 2006 йил

ёхуд хизматлари учун била туриб, олинган сохта меҳнат шартномаси ёки бошқа шартномалар асосида ўзининг фойдасига пул маблағларини ўтказиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Келажакда бажариб бўлмайдиган ишлар учун мажбуриятларни бажариш шарти сифатида пул маблағларини олиш, агар айбдорнинг олинган мажбуриятларни бажармаслик ва пул маблағларини эгаллаб олиш мақсади мавжудлиги аниқланадиган бўлса, фирибгарлик бўйича квалификация қилиниши мумкин[24].

Объектив томондан фирибгарлик ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, «ишонч» тушунчаси кўп учраб туришига қарамасдан, унинг қонунчиликда белгиланган таърифи мавжуд эмас ва умумий ҳуқуқ нуктаи назаридан баҳоланиши лозим.

Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, ишонч деганда, субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тавсифлайдиган хусусият сифатида имон, яъни ижобий, моддий базадан мустақил, ушбу маълумотни тасдиқлайдиган хусусиятга эга бўлган маълумотлар ҳақида хабар беришдаги субъектив муносабатлар тушунилади. Бошқача айтганда, ишонч бу хабар қилинаётган ҳолат ва фактларни ёки содир этилаётган ҳаракатларни ҳаққоний равишда, ҳеч қандай исботталаб этмасдан, тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш. Ишонч субъектив муносабатларнинг мураккаб тизими бўлиб, оғзаки ва ёзма, ҳаракат (конклюдент) шаклларга эга бўлиши мумкин. Бироқ, ишонч асосланган шакл ушбу ҳаракатларни баҳолашга таъсир этмайди ва ҳар бир ҳолатда айбдор ва жабрланувчи ўртасида ишонч мавжуд бўлганлигини алоҳида аниқламоқ лозим.

Ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдор шахс томонидан ўзганинг мулкини қонунга хилоф равишда ўз фойдасига олиш учун ўзи ва мол-мулк эгаси ёхуд мол-мулк эгалиги ихтиёрида турган шахс ўртасидаги алоҳида, ўзаро ишончга асосланган муносабатлардан қонунга хилоф равишда мулкни ўз фойдасига олиш учун фойдаланиши тушунилмоғи лозим. Ишончга асосланган муносабатлар фирибгар ва жабрланувчи шахс ўртасида прокат,

---

[24] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т 2006 йил

ижара, олди-сотди, топшириқ шартномаси ва ҳоказоларда вужудга келиши мумкин.

Ишончни суиистеъмол қилишни жиноят содир этиш усули сифатидаги алдашдан фарқламоқ лозим. Шарҳланаётган усулдан фарқли равишда, алдаш жабрланувчида айбдорга нисбатан ишонч муносабатлари шакллантириб, ўз мулкини топшириш мақсадига қаратилган фаол ҳаракатларда ифодаланади. Бошқача айтганда, ишонч — бу айбдорга жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилиш орқали унинг мулкини эгаллаш учун зарур бўлган бир босқич. Айбдор ўзи ва мулкдор ёки бошқа қонуний эгалловчи билан шундай алоҳида ишончни қозониш усулларидан фойдаланадики, натижада турли алдашлар орқали жабрланувчининг ишончига кириб олади. Ишончни суиистеъмол қилиш фирибгарлик жиноятининг мустақил усули сифатида камдан-кам ҳолларда алоҳида ҳолда учрайди. Мисол тариқасида бланка имзосини суиистеъмол қилиш (мулкни эгаллаш мақсадида тўлдирилмаган имзоли бланкадан фойдаланиш)ни олиш мумкин.

Ишончни суиистеъмол қилиш ва алдашнинг ҳар қандай шаклининг моҳияти шундаки, ишончга эришган айбдор жабрланувчида қандайдир ҳолатлар ҳақида нотўғри таассурот уйғотади ва мулки ёки мулкий ҳуқуқларини ўтказиши фойдалилигига ёки мажбурийлигига ишонтиради. Бошқача айтганда, фирибгарликда жабрланувчининг айбдорга ишонгани ёки алдангани сабабли ўзи мулкни ихтиёрий равишда бериб юборади[25].

Фирибгарлик ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига кўра талон-тарож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади. Агар айбдор жабрланувчи ишончини суиистеъмол қилиш ёки алдаш натижасида мулкни қўлга кирита олмаса, унда қилмишни фирибгарлик содир этишга суиқасд сифатида квалификация қилмоқ лозим.

Фирибгарликни ўғриликдан фарқлаш лозим, чунки уни содир этишда ҳам айбдор иншоотга, бинога, уйга кириб олиш ва мулкни яширинча талон-тарож қилиш мақсадида алдашдан фойдаланади. Фирибгарликни содир

---
[25] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т 2006 йил

этишда алдаш ёки ишончни суи-истеъмол қилиш ўзганинг мулкини қўлга киритиш усули бўлиб хизмат қилади, ўғрилик содир этишда алдашни қўллаш ўғирланадиган нарсани қўлга туширишни енгиллаштириш воситаси ҳисобланади. Фирибгарлик содир этилганда жабрланувчи шахс мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқни фирибгарга ўзи, «ихтиёрий» равишда топширади, ўғриликда эса, айбдор шахс уни мол-мулк эгасининг ёки мол-мулк ихтиёрида турган шахснинг рухсатисиз яширин равишда талон-тарож қилади. Яна шуниси борки, фақат ўзганинг мулкигина ўғрилик предмети бўлиши мумкин, фирибгарлик предмети эса, ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқи ҳамдир. Шунинг учун, шахсга муайян ваколатлар билан таъминланмаган жисмоний ҳаракатлар содир этиш учун (чамадонни кўтаришга ёрдам бериш, ишониб топширилган буюмларга қараб туриш ва ҳоказо) берилган мулкни ғаразли мақсадларда эгаллаб олиш фирибгарликни эмас, балки ўғирлик жиноятини ташкил этади.[26]

Шунга эътибор бериш лозимки, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик фақатгина, ташкилот, муассаса ва корхонанинг талон-тарож мулки умумий суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан кам бўлмаганда келиб чиқади. Акс ҳолда, шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Агар талон-тарож мулкнинг умумий суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси, 3-қисмида кўрсатилган миқдордан ошмаса, айбдор неча марта майда ўғирликлар содир этганлигидан қатъий назар, маъмурий жавобгарликка тортилади. Айни пайтда, агар фирибгарлик орқали талон-тарож қилиш фуқароларнинг мулкига нисбатан содир этилган бўлса, мулкнинг умумий суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси, 3-қисмида кўрсатилган миқдордан ошмаса ҳам жиноят шарҳланаётган модданинг 1-қисми бўйича квалификация қилинади. «Шуни таъкидлаш кераки, қонунга кўра, ўғрилик ва фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг мулкини талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик талон-тарож суммаси миқдоридан қатъий назар,

---

[26] М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Т. 2008 йил

келиб чиқади. Бироқ, талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчининг (судланувчининг) шахсига оид маълумотларни ҳамда моддий зарарнинг қопланганлигини инобатга олган ҳолда жиноят ишини ЖКнинг 65 ва 66-моддаларига асосан тугатиш масаласини муҳокама этиши керак»[27].

Талон-тарож қилинган мулкнинг миқдорини аниқлаш қилмиш содир этилган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Талон-тарож қилинган мул-книнг қийматини аниқлашда ишнинг муайян ҳолатларига қараб, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги шартномавий, бозор ва биржа нархларига асосланиш лозим[28].

## 2.2. Фирибгарлик жиноятининг субъектив белгилари.

Жиноят қонунида белгиланган умумий қоидага кўра Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига биноан жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти бўла оладилар. Аммо шундай ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам борки, уларни ижтимоий хавфлилиги ва жиноий қилмиш эканлигини ўн олти тўрт тўлмаганлар ҳам билади. Масалан оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноят содир қилган ҳолатларда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасида жиноят субъекти ҳақида сўз юритилган бўлиб, «жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар,»[29]

Фирибгарлик жинояти учун жавобгарликка тортиш учун юқорида назарда тутилган жиноятнинг белгилари мавжуд бўлиши керак.

Жумладан; жисмоний шахс эканлиги; ақли расолиги; қонун билан белгиланган ёшга етганлиги;

---

[27] Ўзбекистон РеспубликаСи Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 3-банди, 2-қисми

[28] Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 май-даги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори.

[29] М.Х Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи Махсус қисм 1 2008 й

Бундан ташқари умумий белгилар билан бир қаторда жиноят субъекти хисобланган айрим шахсларда махсус белгилар ҳам бўлиши керак яъни, фирибгарлик жинояти содир этган шахс мансабдор бўлиши, ёки ҳарбий хизматчи бўлиши, ёки рецидив, хавфли рецидив шахслар бўлиши мумкин.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг акли расо бўлиши керак. ЖКнинг 18-моддасида: «Жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс акли расо деб топилади.» Акли норасо шахсларни жиноий жавобгарликка тортилмайди ижтимоий хавфли килмишни содир этган ва суд томонидан акли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсундаги мажбурлов чоралар қўлланилади.

Шуни ҳисобга олиб, ЖК махсус қисмининг бир қатор моддаларининг субъекти ун тўрт ёшга тўлганлар ҳам бўлиши мумкин. УзР ЖКнинг 17-моддаси 3-қисмида белгилаб ўтилган жиноятлар киради. Фирибгарлик жиноятини содир этгунга қадар ун турт ёшга тўлган акли расо шахслар бу жиноятнинг субъекти буладилар. Жиноят қонунида шу ёшга тўлган вояга етмаганлар ўз харакатларининг мазмунини, ижтимоий хавфли ва жиноий ҳаракат эканлигини англайдилар ва ўз килмишлари учун ҳисоб бериш қобилиятига эга бўладилар. Қонун мазмунига кўра фирибгарликликнинг оддий мураккаб ва жавобгарликни оғирлаштирувчи барча турлари учун жиноят субъект ёши ўн олтит ёшга тўлганлар була оладилар. Бундан ута хавфли рецидивистлар мустасно. Чунки, ЎзР ЖК 34-моддасининг туртинчи кисмида белгиланганига кўра шахсни хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала хал килинаётган вактда ун саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, конунда белгиланган тартибда судланганлик мухлатларининг утиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди[30]. Шунга кўра, ун саккиз ёшга тўлмаганлар хар кандай холда ҳам ута хавфли рецидивист деб топилмайди. Демак, ўз Р ЖК 168-моддаси учинчи қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятнинг субъекти фирибгарлик жиноятини содир қилгунча олдинги хар кандай жинояти учун ута хавфли рецидивист деб топилган

[30] М.Х Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи Умумий кисм Т. 2008 йил

шахсларгина була оладилар[31].

УзР Жк 34-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра вояга етмаганлар хам хавфли рецидивист деб топилиши мумкинлиги туфайли ЖК 168-моддаси учинчи қисмининг «а» бандида назарда тутилган фирибгарликнинг субъекти (фирибгарликни хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги) ун турт ёшга тўлган шахслар булиши мумкин[32].

Жиноят ҳуқуқи назариясида қилмишни субъектив томони муаммоларини ўрганишга катта эътибор каратилган. Бу асосан жиноятларни квалифкация қилиш жараёнида айб, жиноятнинг мотиви ва мақсади муаммолари хал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Шахс фақат ўзи (қасддан ёки эхтиётсизликдан) содир этган ҳаракатларида айбли бўлгандагина жавобгарлик масаласи келиб чиқиши мумкин.

Жиноят хукукида ишлаб чиқилган умумий қоидага кўра, жиноятнинг субъектив томони шахснинг ўз ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларга булган рухий муносабатидир.

Жиноятнинг субъектив томони қилмишнинг ички мохиятини ифодалайди. Шахснинг ўз ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларга булган рухий муносабатидир.

Жиноятнинг субъектив томони қилмишнинг ички мохиятини ифодалайди. Шахснинг ўз ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига булган рухий муносабати қасд ёки эхтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин. ЖК махсус кисмида назарда тутилган жиноятлар ё қасддан ёки эхтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Фирибгарлик жинояти қасддан қилинадиган жиноятлар туркумига киради. қасд тушунчаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 21-моддасида берилган булиб, қасд икки турдан, яъни

[31] М Х Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи Махсус кисм I 2008 йил
[32] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар Т 2006 йил

тўғри ва эгри қасддан иборат[33].

Фирибгарлик жинояти факат тўғри қасддан қилинадиган жиноятлар туркумига кириб, фирибгарлик ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кузи етади ва шундай оқибат юз беришини истайди. Субъектив томондан ушбу жиноят фақат қасддан ва ғараз мақсад билан содир этилади. Айбдор ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида жабрланувчини чалғитаётганлигини ёки била туриб, ишончини суиистеъмол қилаётганлигини англаб етади ва бунинг содир этилишини хохлайди. Шунингдек, ушбу жиноий қилмишни айбдор мулкий фойда олиш ва бойиб кетиш мақсадида содир этади. Ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий аломати ҳисобланади, шу билан бирга, агар мулкни алдаш йўли билан ғаразли мақсадларсиз эгаллаган бўлса (масалан, бошқа шахснинг номидан ойлик иш ҳақини унга бериб қўйиш мақсадида олиш), қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилиб бўлмайди.

Фирибгарлик жинояти тўғри қасддан содир этилганлиги туфайли ушбу жиноятда айблаш учун айб мавжудлигининг ўзи етарли булмайди. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси булсада, аммо фирибгарлик жинояти таркиби учун етарли булмайди. Жиноят субъектив томонининг факультатив белгиси ҳисобланган мотив ва максад фирибгарлик жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгилари доирасига киради. Фирибгарлик жиноятининг мотиви гаразлик булса, максади узганинг мулкига гайриқонуний равишда эга булишдан иборатдир. Агарда қилмишда гаразлик максади булмаса қилмиши фирибгарлик деб квалификация қилиш мумкин булмайди.

Фирибгарлик бир гурух шахслар томонидан содир этилганда гурух аъзолари ўртасида албатта объектив ва субъектив богликлик булиши талаб қилинади. Субъектив богликлик шундан иборатки, муайян бир фирибгарлик жиноятини содир этишда гурух аъзоси бошқа шериклари ҳам катнашаётганлигини билади.

Фирибгарлик жинояти тўғри касддан содир этиладиган жиноятлар

[33] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т.2013 йил.

туркумига кирганлиги туфайли айбдор ўз жиноий қилмишининг мураккаблаштирувчи ва жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиларини англайди. Айбдорнинг ўз қилмишининг жавобгарликни оғирлаштирувчи квалификация қилиш белгиларини билмаслиги уни уша норма билан жавобгар қилишдан озод қилмайди. Масалан, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб фирибгарлик қилаётган шахс ўз қилмишининг ЖК 168-моддаси учинчи қисми билан квалификация қилинади. Субъект ўзининг муайян ёшга етганлиги, ўз ҳаракатлари ва унинг оқибатлари юзасидан ҳисоб бериш қобилиятига кўра бундай холатни билиши, билмаса ҳам билиши зарур бўлади.

Айнан бир хил (ўхшаш) жиноятлар деганда ЖКнинг бир моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этиш тушунилади. Масалан, Бекобод шаҳар. Киров маҳалла котиби Маматқулова Лола маҳалла аёлларидан Самарқандга саёҳатга олиб боришини ваъда қилиб, 20 та аёлдан 300000 сўмдан пул йиғиб олади ва ҳар хил баҳоналар қилиб, уларнинг ишончни суиистеъмол қилиб келади ва ишдан бўшаш ҳақидаги ариза ёзиб, яширинади. 32 ёшли Маматқулова илгари ҳам фирибгарлик қилиб, «Шохмати» маҳалла котиблигидан ҳайдалган эди. У қилмишидан пушаймон бўлди ва унинг қилмишлари ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниб тегишли жазосини олди [34].

Жиноят ҳуқуқий адабиётларда такроран содир этилган жиноятлар тушунчаси ҳақида турли хил фикрлар бор. Баъзи муаллифлар такрорийлик шахс томонидан икки ва ундан кўп маротаба айни бир хил ёки бир турдаги жиноятларни содир этишдир[35] , деб айтадилар.

Бошка муаллифлар фикрича, такрорийлик - шахс томонидан айни бир хил ёки бир турдаги жиноятларни шу жиноятлар учун судланганга қадар содир этишдир[36].

[34] Бекобод шаҳар суди архиви, 1999 й, 03-407 рақамли суд ишидан.
[35] Яковлев А М «Совокупность преступлений», -М 1964 7-б.
[36] Кутов В.С «Рецидивная преступность и её предупреждение», Автореферат дис. канд. юр. наук. -М., 1972 9-б

Кейинги муаллифлар эса, олдинги қилмиши учун судланганлиги бекор бўлмаган шахс икки ва ундан ортиқ жиноят содир этса, такрорийлик[37] деб атайдилар.

Суд амадиёти ҳам жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Плснуми «Суд хукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 май қарорида «Хавфли рецидив томонидан жиноят содир этилиши бир катор жиноятларнинг тавсифлаш белгиси ҳисобланади ва жиддийроқ жазо чораларини қўллашни талаб қилади. Шу сабабли бу ҳолат дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилинаётганида кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам ўз аксини топиши керак, деб кўрсатилади»[38]

Таниши Ҳамидов Қ. ўзи келиб қолар деб кутади, сўнг ички ишлар бўлимига хабар беришга мажбур бўлади. Тезкор қидирув томонидан фирибгар Шокиров ушланиб, тинтув чоғида 2500000 сўм пул чиқади, унинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси, 2-қисми «б» банди билан квалификация қилинади[39].

Шуни назарда тутиш кераkки, терговчи шахсни хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида алоҳида қарор чиқариши талаб этилмайди. Шахсни айбланувчи тарикасида жалб этиш тўғрисидаги қарорда бу ҳақда қайд этиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Баъзи олимлар, шу жумладан, Б.М.Леонтьев ҳам рецидив жиноятга фикр билдириб, «шахснинг олдинги жинояти учун судланганлиги муддати ўтиб кетмасдан, икки ёки ундан ортик жиноятларни содир этиши рецидив жиноят содир қилишдир» деб ёзади.

Кўпчилик олимлар, амалиёт ходимлари эса рецидив тушунча-сига тўхталиб, рецидив деганда аввал судланган ва судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахс томонидан жиноят содир этилишини тушунадилар[40].

---

[37] Караев Т.Э «Повторность преступлений» -М., 1983, 17-18-б.
[38] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлар тўплами -Т.: Шарк 1997 2-Г
[39] Тошкент шахар суди архиви, 1999 й. 63-614 сонли жиноят иши.
[40] Яковлев А.М «Борьба с рецидивистами и рецидивной преступностью», М 1963 34-б

Бундан ташкари рецидив деб кисоблаш учун унинг иштирокида содир қилинган жиноятда бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи бўлиб қатнашганлик, шунингдек жиноий фаолиятни охирига етказганлик, жиноятга тайёргарлик ёки суиқасд боскичида тугатилганликнинг аҳамияти йўк[41].

[41] Усмоналиев М «Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишнинг айрим масалалари» Т., 1993.

## III Боб. Фирибгарлик жиноятининг криминалистик тавсифи.

### 3.1. Фирибгарлик жинояти криминалистик тавсифининг умумий жиҳатлари.

Ҳозирги пайтда мулкий жиноятлар, шу жумладан уюшган гуруҳлар содир этаётган жиноятлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда ва уларнинг ичида фирибгарликлар орқасида юз берадиган жиноятларни очиш жараёнида мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлиги оқибатида содир қилинган жиноятларнинг кўпчилиги очилмай қолиб, жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмоқда. Бунинг сабаби шундаки бозор иқтисодиёти муносабатлари хусусий мулкни ривожлантириш йуналишига қаратилгандан кейин республикамизда хусусий савдо корхоналари, тижорат дўконлари, кичик-катта корхоналар вужудга келди. Аммо ушбу иқтисодий муносабатлардан фойдаланган фирибгар шахслар уз манфаатларини кўзлаб савдо ва иктисодий соҳаларида ишловчи ходимларга қарши жиноий харакатлар содир этишмокда ва нормал иқтисодий муносабатларга путур етказишмокда, шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тажовуз килишмоқда.

Уларга қарши муваффақият билан кураш фирибгарликнинг криминалистик тавсифи қандай эканлиги, бу жиноятларни қандай усуллар билан очиш ва тергов қилиш мумкинлигини тўла ўзлаштириш ва амалга ошириш билан боғлик.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъати мажлисларида сўнгги вақтларда фирибгарлик жиноятларининг ўсиб бораётганига эьтибор каратилиб. ушбу жиноятга қарши кураш жуда суст эканлиги таъкидланмокда. Бунга сабаб ички ишлар органлари ходимларининг фирибгарлик жиноятида юқори латентлиги, яъни сезилмаслигини ҳисобга олмаётганлари, ҳамда уларни очиш жараёнида имкониятлардан етарлича фойдалана олмаётганлигида десак хато бўлмайди.

Натижада жиноятчилар жиноий жазодан кўркмай, янада оғиррок жиноятларни содир килишмокда ва фуқаролар катта моддий зарар етказишмокда. Фирибгарлик жиноятини тергов килиш терговчидан ўта синчковлик ва устамонликни талаб қилади. Бу эса фирибгарлик жиноятини

ҳозирги замон талабларига асосан тергов қилиш, уларни очиш ва олдини олиш, мураккаб тергов ҳолатларида тўғри амалий иш олиб бориш ҳақида тушунча беради. Фирибгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 168-моддаси билан белгиланган.

Фирибгарликнинг криминалистик тавсифи уни тергов қилиш услубини амалга оширишда асосий таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади, чунки жиноятни содир қилиш йўлини, бунда фойдаланилган қурол ва воситаларни тергов қилинадиган воқеа бўйича терговчи қаерда ва қандай ахборотга эга бўлиб, терговнинг йуналишини белгиловчи маълумотлар ва ҳокозоларни аниқлашга ёрдам беради. Унинг элемнтлари қуйидагилардан иборат:

- жиноят содир қилиш тўғрисидаги дастлабки ахборотлар тавсифи,
- фирибгар шахси тавсифи.
- жиноятни содир этилишида шарт-шароитларнинг тавсифи,
- фирибгарликнинг содир этилиш йули, уни яшириш усуллари ва ўзига хос оқибатлари;
- жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва сабаблар.

Жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги дастлабки ахборотлар, дастлабки ҳужжатларда бўлган ахборотлар мазмуни ва ҳажм жихатдан кўп ҳолатларда жиноятнинг таркибига оид айрим элементларга мансуб бўлади холос. Масалан, жиноят содир булгач, жуда қиска вақт ичида айбдор шахс ашёвий далиллар билан қўлга олинса ёки маълум вақт ўтгандан сўнг уни жабрланувчилар тутиб олса бундай ҳолатларда дастлабки ахборотларда бўлиб ўтган воқеа тўғрисидаги ва ягона шу вақт буйича содир бўлган воқеа тўғрисида ҳамда уни содир қилган шахс тўғисидаги ахборот бўлади. Тезкор-қидирув чораларини ўтказиш жараёнида кўпинча ҳужжатларда ушбу шахс томонидан аввал хам фирибгарлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида тегишли ахборот бўлади. Фирибгарликдан жабрланган шахслар ёки уларнинг қариндошлари берган аризаларда, айрим холларда эса давлат, жамоат, корхона ва муассасалардан келган хужжатларда жиноятчи тўғрисидаги ахборотлар қайд этилган бўлади. Лекин жиноят воқеаси тўғрисида

маълумотлар деярли йук бўлиб, ушбу жиноят алдаш оркали мулкка эга бўлиш ёки ишончини суистеъмол килиш йўли билан ўзлаштирилишини аниклаш кийин бўлади. Масалан, конунга хилоф равишда нафака олиш аризаларда ёки пулни карзга олган шахснинг турар-жойи курсатилмаганда ва шунга ўхшаш холатлар киради. Бундай холатларга айрим айбни бўйнига олиб келиш вазиятлари хам киради, негаки шу аризаларда жабрланувчиларни кимлиги номаълум бўлади, чунки жабрланувчиларнинг ўзлари уларга карши содир бўлган жиноятлар тўғрисида хеч кимга-хабар бермайдилар.

Фирибгарликни номаълум шахслар томонидан содир этилгани тўғрисидаги фукаролар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан тушган аризаларда кўпинча содир бўлган жиноят вокеасига доир ахборотлар бўлса-да, жиноятчи тўғрисида эса ахборот йўк бўлади.

Келтирилган вазиятлар дастлабки ахборотга алокадор бўлиб, тергов амалиётида бўлган барча холатларни ўз ичига камраб ололмасада, лекин улар ичида энг типик холат, деб кабул килинади. Дастлабки ахборотларни таснифини аниклаш терговчига жиноят ишини кўзғатиш ёки кўзғатишини рад килиш тўғрисидаги масалани хал этишга, содир булган вокеанинг таърифи, жиноятни содир килиш йўли ва уни яшириш усуллари, жиноятчининг шахси тўғрисидаги асосли гумонларни ишлаб чикишга ёрдам ва натижада тергов холатини тўғри бахолаб, унинг йуналишини ва фирибгарни кидириш, хамда томонидан конуний равишда ўзлаштирилган мулкни топишда тўғри йўл кўрсатади.

### 3.2. Фирибгар ва жабрланувчи шахсларнинг шахсий тавсифи.

Жиноят содир этиш йули ва усулини танлашда фирибгарнинг шахси асосий рол уйнайди. Бу хозирги амалиётда яққол кўриниб келаяпти. Фирибгарни типик хусусиятлари кандай? Фирибгар ўткир зеҳнли, ўта хаёлпараст ва ривожланган камолатли киши бўлиб, одамлар эьтиборини ўзига қаратиш ва уларни тобе қилиш хусусиятига эга.

“2010-2013 йилларда Тошкент шаҳри ва вилояти худудларида фирибгарлик учун жавобгарликка тортилганларнинг 60,1 фоизини эркаклар, 39,9 фоизини аёллар ташкил этган, уларнинг кўпчилиги 35-55 ёшдаги шахслар бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, улардан 60,8 фоизи жамият учун фойдали мехнат билан шуғулланмаган, 34,7 фоизи аввал қилган жиноятлари учун жавобгарликка тортилган. Гурух бўлиб фирибгарлик содир этиш 39 фоизни ташкил этган”[42].

Фирибгарликни таърифловчи умумий хусусиятлар шулардан иборат. Фирибгар шахсларни бундай қараганда янада муҳим таърифловчи белгиларни улар томондан муайян жиноятларни содир қилганига қараб ойдинлаштириш мумкин. Масалан, ЙҲҲ ходими сифатида иш кўрадиган фирибгар ўзининг кўча харакати коидалари ва автомобил воситаларини пухта билиши билан ажралиб туради.

Фирибгар авраш максадида техник ускуналардан фойдаланганда хам унинг мутахассислик билмлари доираси хакида сўз юритиш мумкин. Масалан, қиймати катта бўлган қоғоз пулларини ишлаб чиқарадиган автоматлар ёки лотерея автоматлари ва хоказоларни ишлатадилар.

Ташки кўринишдан фирибгарлар бошка жиноятчилар ўгрилар, талончилар ва хоказолардан ниҳоят даражада ажралиб турадилар.

Фирибгар башанг кийинган сочига ок тушган (фирибгарларнинг аксарияти ўрта ёшдаги шахслар бўлади), ўзни катта лавозимда иш-

---

[42] Тошкент шахар судининг умумлашмасидан, Узбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Карорлари тўплами, 20013 й

ловчи ва "катталар" билан алокаси бор шахслар сифатида танитиб, одамларни ўзига тортишга, кизиктиришга, ўзини яхши кўрсатишга уста бўлади. У икки юзламачилик, айёрлик, лаганбардорликни жуда ўрнига қўйиши билан бошқаларнинг ишончини қозонади ва уларга бевосита жабр етказади.

А.А. Герцензон фирибгарларни беш гурухга бўлган:

Биринчи гурухга тасодифан фирибгарлик килганлар; бундайлар биринчи марта ўзларимининг хатти-харакатлари тўғрисида пухта уйламасдан, баъзи холат ёки бошқа бирозлар таъсирида илк бор фирибгарлик қилиб, ножўя ишга кўл урадилар.

Иккинчи гурухга фирибгар-рецидивистлар; улар асосан майда фирибгарлик билан шуғулланадилар, шароит имкон берган пайтларда ўғрилик ҳам қиладилар, ичкиликбозлик уюштирадилар. Бу хил фирибгарлар купинча ичкиликбоз бўлиб, иш жойининг тайини йўқ ва хеч кандай даромадга эга эгамаслар. Шунииг учун уларнинг ҳаракатлари асосан фукароларнинг мулкини ўзлаштиришга қаратилаган.

Учинчи гуруҳга турар-жойининг тайини бўлмаган ёки мутахассислиги, ҳунари бўлмаган, жиноий ҳаракатлари учун кўп маротаба жазоланган ва фирибгарлик қилганликлари учун жазосини ўтаётганлар киради.

Тўртинчи гурухга фирибгар гастролер (жойдан-жойга кўчиб юрадиган) кириб, бу фирибгарлар ичида энг ҳавфлиси хисобланади, чунки уларни қўлга тушириш кийин улар давлатга ва фукароларга жуда катта зиён етказадилар.

Бешинчи гурухга асосан илгари судланмаган, "давомли фирибгарлик" содир этаётган, яъни нафака ва ошикча маош олаётган соҳта ҳужжатлар асосида бойлик орттириб келаётган фирибгарлар киради. Улар узок вакт ичида давлатга катта моддий зарар келтирадилар. Фирибгарлик харакати жамият учун жуда ҳавфлидир. Фирибгарларнинг айёрлиги, уддабуронлиги фирибгарлик жиноятини тергов қилишни қийинлантиради терговни ва суриштурувни олиб борувчи шахслар фирибгарларга оид ўзига хос таърифномаларни билишлари лозим бўлиб, бунда муайян гумонланаётган

шахс ва жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларни муфасал ўргатиш талаб килинади[43].

Жиноятнинг содир этилиши кўпрок объектив омиллар билан белгиланади. Уларга тажовуз қилинаётган предмет хусусияти, унинг вақти, жойи ва жиноят содир этишнинг бошқа объектив шарт-шароитларини киритиш мумкин. Бундай шарт-шароитларга жабрланувчи шахси тавсифномасини ҳам қўшиш керак. Масалан, фибгарлар томонидан жабрланувчининг турар жойини бўлиб у ерда жабрланувчи томонидан жиноий йўл билан топилган сармояси борлиги ўзбошимчалик билан тинтув ўтказилади. Бундай ҳолатларда жабрланувчининг ҳаракатлари ва унинг турар жойи ва тажовуз учун воқеаликда бор сармоя жиноят содир килинишига маълум таъсир кўрсатади,

Жиноятни содир қилиш йулини аниқлаш учун ва шунга асосан жиноятчининг тегишли малака даражасини белгилашда жиноятни содир этишда қўлланилган усулни, кўз тикилаётган мулкни ва унинг эгасини аниклаш катта аҳамиятга эгадир.

Фирибгарлар 66,3 фоиз холларда тажовуз сифатида пулни танлаб оладилар. Фирибгарлик йўли билан мулкни ўзлаштириш кундузги вактларда дўконларда харидорлар кам бўлганда, ижара пунктларда хамда бирон киши йўклиги вақтларда содир этилади, мисол тариқасида қуйидаги воқеани келтириш мумкин: Юнусобод мавзесида Р. Нуритдинов кундузги вақтда кўпчилик ишда бўлишидан фойдаланиб ўзини жабрланувчиларнинг болаларига оналарининг хамкасабаси сифатида таништириб уларга боланинг исми кўрсатилган тегишли хатни беради. Бунда хат берувчи аёлга қандайдир бир кимматбахо нарсани ёки кишки кийимни бериб юбориш тўғрисида гўё боланинг онаси "ёзиб" юборган талаб бўлиб уни кимёвий тозалаш ёки сотиш учун "хола"га берилиши кўрсатилар эди. Бундан ташқари фирибгар нарсанинг аломатларини баён қилиб унинг шакли ва рангини таърифлаб ҳам боланинг онаси исмини айтади. Шундай йул билан Р. Н. шаҳарнинг хар-ҳил туманларида бешта фирибгарлик жинояти содир килиб, 800 минг сўм

---

[43] Kriminalistika (maxsus qism) II-jild (darslik) Mualliflar jamoasi - T. TDYUI, 2008 - 339 b.

"ишлайди".

Фирибгарлик купинча кучаларда (20,5), вокзалларда ва гайёрагохларда (21,9), дуконларда, ижара пунктларда (20,6 содир булади. Кам холларда жабрланувчининг истикомат жойида (19,3) бозорларда (10,9) ва бошка жойларда (6,8) содир булади.

Бундай курсаткич аввало объектив холат (жабрланувчининг булган жойи, фирибгар куз тутган предмет ва х.к) билан изохланади. Масалан, "кугирчок" билан яъни пул тахлами орасига когоз жойлаштириб керакли сумма тарзида орада утказиб юборилади, ишлатиладиган усул амалга мувофикрок булиб, уни бозорда ёки дуконда ишлатиш бошка жойларга караганда амалга ошириш кулайликрокдир, чунки ушбу кугирчокка сотиб олинадиган мол ёки мулкни курсатилган жойларда сотиб олиш мумкин булади.

Фирибгарлик содир булиш жараёнида жабрланувчиларнинг узлари купинча номаъкул харакатлари билан жиноят содир этилишига сабабчи ва кумакдош булиб коладилар. Фирибгарликнинг келиб чикишига купинча айрим фукароларнинг назари пастлигидан бахиллик, очкузлик, пулга хирс куйиш, тез бойиб кетишга ва бунинг учун конунсиз булса хам маълум имтиёзларни ёки кимматбахо нарсаларни узлаштиришга харакат килишлари сабаб булади. Бундан "жабрланувчилар" фирибгарлик тугрисида ички ишлар органларига хабар бера олмайдилар. Фирибгарлар хам ушбу холатни хисобга оладилар ва бу уларга кул келади.

Жабрланувчини шахсини урганишда ва жиноят содир булишида унинг роли кандай эканлигини ёдда тутиш керак, чунки унинг томонидан хам жиноят содир этиш ёки унга суикасд килиш имконияти бор. Амалиётда бундай холлар хам содир булмокда. Бунга мисол килиб, Ахмедов, Тургунов, Шарипов ва бошкаларнинг жиноий ишини келтириш мумкин. Ахмедов (турт марта судланган, шундан иккитаси фирибгарлик учун, сунгги вактларда Тошкент шахар курилишларидан бирида ишчи) билан Тургунов, улар учун фионит ва биллурдан (нархи 100127000 сум заргарлик буюмлари узук ва зирак тайёрлайдиган уч москвалик билан тил бириктириб, "кимматбахо

буюмларни" (уларни "олмос" сифатида Самаркандлик Шариповга келтириб туришган. Шарипов ёрдамчилари Расулова ва Мусаевалар оркали ўзининг танишларига, кинотеатр, тайёрагоҳ кассаси ходимлари ва бошкаларга ҳар бир туплами 11270000 сўмдан сотган. Ҳар бир сотилган бир туплам учун Шарнпов 400 минг сўмдан пул олиб, унинг бир кисмини Расулова ва Мусаеваларга хизмат ҳаки учун бериб келган. Кимнингдир ўн туплам 28000 минг сўмга харид килиш истаги борлигини эшитган Шарипов фойдани ўзига колдириш ниятида "безакларни" ўзи сотади. Харидор кимматбаҳо буюмларни олиб, пулни кайта санашда 1000000 сўмлик пул таҳламини "кўғирчок" пулга алмаштириб кўйишга улгуради.

Жиноятинг жавобгарлиги, алоҳида тергов харакатларининг максадга мувофик тактикасики танлаш, жиноятнинг содир бўлиш сабаби ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва холат жабрланувчиларнинг ўзлари содир этган жиноятларини, уларнинг шахсини ўрганишга боғлик бўлган, тўғри карор кабул килишга олиб келади. Умуман жиноят содир бўлишига объектив ҳоллари кўз тикилган предмети, вакт, жой ва хоказолар) *жиноятни содир этиш усулини аниклашга ёрдам беради.*

“Жиноятни содир килиш ва уни яшириш усуллари *давлат ва хусусий мулкини фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш*-нинг кўп учрайдиган турлари куйидагилардан иборатдир:

а) *сохта ҳужжатлар асосида маошга кўшимча хак олиш булар барча* жиноятлар ичида 22 фоизини ташкил килади. Ушбу усул Тошкент шаҳри ва вилоятда 210-2013 йилларда содир килинган талон-тарожларни фирибгарлик йўли билан мулкни ўзлаштиришлар бўйича кўзғатилган ишлар асосида аникланган” [44].

б) иш стаж ва ойлик маоши ҳакида сохта ҳужжатлар ёрдамида Пенсия жамғармаси ва маҳалла фукаролар йиғинларидан конунсиз равишда тўлов ёки нафака олиш - 17 фоиз.

Кўп холларда бундай ҳужжатларни айбдорлар ўзлари тайёрламайдилар,

[44] Тошкент шахар судининг умумлаштмасидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Карорлари тўплами. 20013 й.

"танишчилик", "қариндошчилик", туфайли мазкур ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан, баъзан пора оркали оладилар. Айбдорларнинг бошқа шахсларга ўз иш стажлари ҳақида ёлгон маълумотлар бериш ҳоллари маълум масалан, судга иш стажи ҳақида гувоҳлик бериш.

в) сохта ҳужжатлар билан пул ундириш ишончномалар ҳисоб ордерлари ва ҳоказо) - 29 фоиз:

г) молларни киредитга сотиб олиб, қолган тўлов миқдоридан бош тортиш. Бу ҳолда фирибгарлик сохта ва ўғриланган ҳужжатлар оркали содир этилади (паспорт, иш жойидан маълумот) - 7 фоиз:

д) предмет ёки буюмларни ёлғон ёки ўғриланган хужжатлар асосида олиб сотиш ёки ўзиники килиб олиш (магнитофонлар, совутгичлар ва ҳоказо) -20фоиз:

е) хизмат вазифаларини бажаришда совуққонлик килган мансабдорларнинг хатоларидан фойдаланиб улар томонидан кўпроқ молларни кўп миқдорда сохта ҳужжатлар кўрсатиб олиш ёки мулкни бошқа шахс номидан олиш; буюмларни сотиб олишда ёки пулни алмаштиришда кассирни авраб тегишли микдоридан кўпроқ пул олиш – 4 фоиз.

Давлат ва жамоат мулкини алдаш ва ўзига бўлган ишончини суиъестимол қилиш йули билан ўзлаштириш барча ўғриликларнинг 4 фоизини ташкил этишга қарамасдан буларнинг зарари жуда катта.

*Фирибгарлар* давлат ёки хусусий мулкга эга бўлишда хар-ҳил ҳужжатларда ўзларининг изларини колдирадилар, агарда улар кассирлар *хисобидан ташкари пул ундиришган* бўлса фирибгарлик фукароларнинг шахсий мулкини ўзлаштиришга каратилгандан зарари хам оз эмас.

*Фирибгарликнинг энг кўп таркалган* усулларидан қуйидагилардан иборат:

а) *маиший* хизмат кўрсатиш, савдо соҳасида ишлаб фуқаролар мулкига эга бўлиш - 67,7 фоиз (харидорлар хакидан уриш - 56,2 фоиз)

б) карзга пул олиб фуқаролар мулкини ўзлаштириш фирибгар одатда 3-4 ойга карз олади. Вакти келибоқ қўшимча 25-30 фоиз "хизмати учун" пул тўлаб карзни қайтаради, бир оз вақтдан сўнг *шундай* шарт билан кўп

микдорда пул карз олади ва яширинади;

в) харидорлар олмокчи бўлган мол ўрнига бошка молни бериш йули билан содир килинган фирибгарлик - 4 фоиз (масалан, каймок ўрнига суюлтирилган творог бериш ва бошкалар):

г) буюмдан вактинча фойдаланиб бахонаси билан фукаролар мулкига эга бўлиш - 33 фоиз, фирибгар кийиб туриб учун буюм сўраб оладида кейин бахона топиб буюмни кайтармайди.

д) "кўғирчок пулни" аралаштириб кўйиш йўли билан боглик фирибгарлик йўли билан фукаролар мулкига эга бўлиш ва "даромадни" "арра килиш" - 2,4 фоиз. Амалиётда бу усул билдирмай кўшиб юбориш;

е) ўзни "мансабдор шахс" сифатида кўрсатиб ва "тегишли ёрдам" бериш мумкинлигини тама килиб фирибгарлик килиш - 1,5 фоиз, шу холларда пуллар ва кимматбахо буюмларни ўзлаштириш жарима олиш ёки ўзбошимча тинтув ўтказишлар йўли билан амалга оширилади.

Масалан, фукаро А.Х. Хусанбоев, А.К. Несмеянов билан ўзаро тил бириктириб осон пул топиш ниятида рўзномаларда кўрсатилган иситгичларни ва газ плиталариии балконларга ўрнатиш тўғрисидаги эълондан хабардор бўлиб тегишли идоранинг назоратчи ходимларини никобида турар жойларни текширишни бошлаган ва тартиб бузган хонадон эгаларидан "жарима" олиб юрган. Шундай килиб бу икки фирибгар Юнусобод, Тансикбаев-2, М. Улуғбек туманларида 50 дан ортик хонадонда бўлиб 1,900 минг сўм "даромад" топишган.

ж) фукароларанинг мулкини карта уйинлари ёки "фолбинлик" йули билан ўзлаштириш. Бу усулни кўллаган фирибгар киши такдирини олдин-дан айтиб учун ундан фолбинга маълум кимматбахо нарса беришни талаб килади. Мазкур жиноятларнинг хажми барча фирибгарликларнинг 1,2 фоизини ташкил килади. "Фолбин" кимматбахо буюмларни олиб уни когозга ўрайди ва "сехргарлик" харакатларини килиб: коғозни бошка коғоз билан алмаштириб уни жабрланувчига тутказади ва коғозни очмаслик тўғрисида огохлантиради, акс холда, менинг сехрим таъсир кучини йукотади, дейди. Бундай жиноятлар фирибгарликнинг 0,9 фоизини

ташкил қилади.

з) олтинга ухшаш буюмлар ва оддий шишаларни олмос, тилла буюмларга ўхшатиб ишлаб харидорларга сотиш, бу "фармазон" усули деб аталиб буни кўпинча бир гурух жиноятчилар гурухи амалга оширади. Сотувчи ўзини хорижий шахс сифатида таништиради ва ўзининг ночор аҳволидан ушбу қимматбаҳо буюмни сотишга мажбур бўлганлигини тушунтиради. Бошқа фирибгар эса "баҳо берувчи заргар" сифатида ўйинга қўшилади, учинчи фирибгар эса ушбу буюмни сотиб олувчи шахс ролини уйнайди ва паст баҳога ушбу "қимматбаҳо" буюмни сотиб олишга харакат қилади ёки улар олиб-сотар ролларида ўйинга қўшиладилар.

Шундай йўл билан Тошкентда гуёки чоризм даврида "зарб этилган 10 сўмлик олтин тангаларни" гальваник усулда ишлаб соф олтинга ўхшатиб сотган гурух қатнашчилари фош қилинди.

## IV Боб. Фирибгарлик жиноятини тергов килиш методикаси.

### 4.1. Типик терғов вазиятлари ва дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Терговнинг дастлабки босқичида зарур булган ахборотларнинг камчиликлари терговчи олдида жуда кўп муаммоларини кўяди.

Уларни ҳал қилиш учун терговчи етишмаган ахборотни кидириш йўллари ва воситаларини белгилайди, яъни терговнинг йуналишини белгилаб,
муайян тергов жараёнида бўлган ҳолатни таҳлил қилади ушбу ҳолат криминалистикада тергов ҳолати деб аталади. Жиноят ишини қўзғатиш бўйича тергов ҳолати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 322-моддасида кўрсатилган манбалардан вужудга келади ва ўзига хос ҳажми ва таърифи га эга ҳамда дастлабки ахборот билан таърифланади ва у билан боғ-ликдир дастлабки ахборотни таҳлил қилиш содир бўлган жиноят тўғрисида тегишли тусмолларни тузишга, керакли вазифаларни белги-лашга, уларни текшириш йўлларини аниқлашга, яъни терговнинг йўналишини белгилашга ёрдам беради.

Фирибгарликни тергов қилишда дастлабки тергов ахборотлар таърифига кўра тергов холатларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

а) яхши натижаларга олиб келувчи оддий ҳолатлар, улар асосида биз жиноят воқеаси, уни содир қилган шахс тўғрисида маълумотга эга бўламиз. Бизга жабрланувчининг кимлиги аён ва жиноятни содир килган шахснинг айбини исботлаш керак холос, жиноят содир қилган шахснинг айбига иқрор бўлиш фирибгарни жиноят содир қилишда далилий ашёлар билан тутиб олиш ёки уни тезкор-кидирув чораларини кўрганда ушлаб олиш. Бу ерда ҳамма ҳолатларни хам кўшиб таҳлил этиш зарур бўлади. Агарда терговчи учун ким жиноятни содир қилгани ва ушбу шахсни турар жойи қаердалиги маълум бўлса, масалан, фирибгарликни ким содир килгани аён бўлсада ва у тергов органларидан кочмаса;

б) жиддий жиноят воқеаси тўғрисидаги ахборотнинг мавжудлиги, жабрланувчи ва шубҳаланилган шахсларнинг кимлиги аниқланганлиги ва

уларнинг айби исбот-далиллар билан асосланган бўлсада, шубҳаланилган шахснинг тергоздан қочган ёки гуруҳ иштирокчиларидан фақат битта-сининг ушлаб олинганлиги;

в) номақбул тергов ҳолатлари: оддий тергов ҳолатлари, ушбу тергов ҳолатларига асосан содир бўлган жиноят ва жабрланувчи тўғрисида ахборот бор бўлсада, жиноятни содир қилган фирибгар тўғрисида ахборот кам йиғилган бўлса, (фирибгарликни номаълум шахс қилингани аниқланса ёки фирибгарликни ўзи бўлган-бўлмаганлиги, сохта айбига иқрор бўлиб тергов органларига мурожаат килиш, ижра пунктларидан олинган буюмни пунктга қайта бермаганлик тўғрисидаги маълумотлар ёки жабрланувчи тўғрисида умуман хеч қандай ахборот бўлмаса ички ишлар органлари томонидан жиноятнинт белгиларини бевосита аниқланиши, шахс айбига икрор бўлиб тергов органларига мурожаат қилсада, лекин жабрланувчи бўлмаса, яъни у номаълум бўлса;

е) жиддий, ушбу ҳолатлар буйича жиноят содир бўлиш воқеаси тўғрисида ва фирибгарнинг кимлиги номаълум бўлсада, уларнинг қилган жиноятларидан келиб чиққан зарари маълум бўлса (болаларга ёки ногирон шахсларга нисбатан содир бўлган фирибгарликлар ёки жабрланувчининг ўзи йўқ бўлган, бедарак йўқолган) ва ҳоказо[45].

Дастлабки тергов килиш жараёнида келиб чиқадиган тергов холатлари мана шулардан иборат.

Дастлабки ахборотни ўрганиб, унга жиноятни очишда қандай аҳамияти борлигига баҳо бериб, терговчи умумий тусмоларни тузади ва уларни текшириш режасини расмийлаштиради. Тусмолни текширишда терговчининг ўз олдидаги вазифаларни ечишда ёрдам берувчи саволларни тўғри ифодалаш катта аҳамиятга эга. Ифодаланилган саволларни ўрганишнинг моҳияти шундан иборатки, номаълум бўлган ва аниқ бўлмаган ҳолатларни ажратиб, уларни текшириш ва аниқлашга замин яратишдан иборатдир, йиғилган саволларни терговчи тезкор-қидирув ва тергов харакатлари асосида ҳал қилади. Дастлабки босқичда режалаштиришга қўл урган терговчи аввал

[45] Kriminalistika (maxsus qism). II-jild (darslik). Mualliflar jamoasi - T.:TDYUI, 2008 - 339 b

вужудга кеяган тергов холатини хисобга олади ва вазифаларни белгилаб уни қандай йўллар билан хал этишини аниклайди. Масалан, агар тергов холати маъкул ва оддий бўлса, терговчи уни бахолаб, аризада кўрсатилган фирибгарнинг килган жинояти тўғрисида тегишли вазифаларин белгилайди, ушбу вазифаларни бажариш учун максадга музофик равишда умумий типик тусмолларни тузади, яъни:

- фирибгарлик жинояти аризада ёки маълумотда кўрсатилганига асосан содир бўлганми; фирибгарниннг ўзи бўлмаган, негаки ўзи ариза берган шахс, янглишган ёки ёлғон кўрсатма берган.

Терговчи ушбу тусмолларни текшириш максадида:

- тутиб олинган шахсни ўзи тинтувдан ўтказади;

- жабрланувчи ёки моддий жавобгар шахсни сурок килади;

- жиноят иши буйича ахамиятга эга буюмлар ва хужжатларни олиб қўяди;

- қўлида бор предмет, хужжатларни зарурий холатларда бўлса (фирибгар далилий ашёлар билан тутиб олинган бўлса) вокеани кўздан кечиради;

- у шубхаланилган шахсни сўрок килади; жабрланувчи ва гумондорни юзлаштиради;

- тезкор ходимга жабрланувчи ва шубхаланилган шахслар, уларнинг турмуш тарзи, алокалари тўғрисидаги маълумотларни тўплашга топширади;

- шубхаланаётган шахснинг турар-жойи ва ишлаш хонасида ёки уни алокаси бор одамларникида (танишлар ва кариндошлариникйда) тинтув ўтказади;

- рўйхатлар буйича бошка жиноятларга алокадорлигини ва аввало судланганлигини тугрисида маълумот олади;

- шубхаланаётган шахсга нисбатан эхтиёт чораларини қўллаш тўғрисидги масалани хал килади.

Хар бир муайян холатга кўра тергов харакатларнинг кетма-кетлиги бошкача кўлиши мумкин. Мураккаб, лекин макул тергов холатида фирибгарлик жабрланувчига таниш шахс томонидан содир килиниб, у кочган

холларда тергов харакатлари ушбу шахснинг каерда яширинганлигини ва у жиноий йўл билан ўзлаштирган мулкнинг каердалигини аниклашга йўналтирган бўлади. Терговчи жабрланувчини фирибгарнинг ташки кўриниши, мулкнинг аломатлари тўғрисида сўрок килади, иш жойи ва турар жойида тинтув ўтказади (тинтув ўтказишда жиноий йул билан олинган мулкни, хамда иш буйича ахамиятга эга хужжатлар, хатлар фирибгарнинг фото-суратини, почта телеграф оркали юборган мактубларини олади, унинг алокалари тўғрисидаги маълумотларни аниклайди ва фирибгарнинг иш жойида олиб кўйиш ўтказади, кўшнилари, хамкасбаларни, кариндошларни, танишларни сўрок килади, оператив маълумотлардан фойдаланади ва хоказо. Шунингдек паспорт бўлимларини, даволаш муассасалари, харбий комиссариатлар фукаролик холати актларта кайд килиш (ЗАГС) органларини ва агар шахс аввал судланган бўлса (буни эса алфавит рўйхати бўйича аниклаш мумкин) ахлок тузатиш махкамларидан хам тегишли маълумотларни олиш мумкин.

Кидирувга алокадор шахсга доир ахборотларни йигиш билан бир каторда паралелл холда фирибгарни тутиш чоралари кўрилади. Бунинг учун вокзаллар, автобус шох бекатлари, тайёрагохларда фирибгар кочиб кетишга карши тегишли чоралар кўрилади. Ушбу чораларнинг муваффакиятли амалга оширилиши терговчи томонидан берилган ахборотларнинг мукаммалигига ва кулланиладиган чораларнинг тезлигига богликдир. Бундан ташкари кўшни ички ишлар бўлимларига содир килинган жиноят, унинг усули, фирибгарнинг шахси ва фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилган мулк тўгрисидаги тегишли маълумотларни бериш лозим. Агар кўрилган чоралар тергов муддати тамом бўлмасдан аввал кутилган натижани бермаса, у холда Республика худудида кидирув эълон килинади, жиноят иши бўйича тегишли тергов харакатлари фирибгар аниклангунча тўхтатилади. Агар фирибгарликни жиноятчилар гурухи содир килиб, улардан факат биттаси тутилса, бошка фирибгарларнинг шахс ноаник бўлса, у холда терговчиниг иши кочиб колган фирибгарларни шахсини аниклаб, хар бирининг содир килинган жиноятдаги ўрнини аниклашдан иборат бўлади. Кочиб колган

фирибгарларни аниклаш агар улардан бири кўлга олинганда куйидагича амалга оширилади.

Айбланувчи ва тегишли гувохлар сўрок килинади, уларга ички ишлар бўлимидан кайд килинган ва рўхатга олинган шахслар фотоальбоми кўрсатилади, шубхаланилган шахс хам сўрок килинади, турар жойида, зарур булса иш жойида хам тинтув ўтказилади. Фирибгарнинг ташки киёфаси бўйича тегишли кўрсатмалар асосида субъектив портретлар тузилади. Оператив ходимларга бу эса тутиб олинган шахснинг алокаларини аниклаш тўгрисида топширик берилади.

Агар тергов холати оддий, лекин номакул бўлса, бирорта бир элемент номаълум бўлса (жиноят вокеаси, шубхаланилган шахснинг айби, баъзи холларда жабрланувчи номаълум бўлса) терговчи олдида ё фирибгарни ёки жабрланувчини аниклаш, ё нимага жиноий тажавуз килинганлигини билиш, баъзи холларда эса вокеанинг хакикий ахволини аниклаш вазифасини кўндаланг бўлади. Масалан шубхаланилган шахснинг ёки жабрланувчи-аризачининг хакикий ролини аниклаш керак бўлади. Фрибгарнинг шахсини аниклаш учун терговчи куйидаги тусмолларни тузади;

- фирбгарлик бир одам томондан содир килинган:

- фирибгарлик бир гурух шахслар томонидан содир килинган;.

- фирибгарлик фирибгар сайёх (гастролер) томонидан содир этилган;

- фирибгарлик шу ерлик шахс(яъни шу шахар, туман, вилоятда турувчи) томонидан содир килинган;

- фирибгарлик аввал хам фирибгарлиги учун судланган шахс томонидан солир килинган;

- фирибгарлик аввал судланмаган шахс томонидан содир килинган ва хоказо;

- терговнинг ўз вазифасини аниклаб ва тегишли тусмоллар кўргандан сўнг терговчи тергов килишнинг йўналишини белгилайди яъний фирибгар тўгрисида имкон борича кўп ахборотни тўплайди.

Бу максадда у:

- жабрланувчини ва моддий жавобгар шахсни сўрок килади;

- воқеа содир бўлган жойни ва мавжуд предмет ва ҳужжатларни кўздан кечиради;

- аникланган гувоҳларни сўроқ қилади.

- фотоальбом бўйича накд қилинган ва руйхатдан бор фирибгарларни таниб олиш учун кўрсатади, ҳамда тегишли ахборот олинганига қараб ва фирибгарликни содир килиниши муддатига асосан қидирув йўналиши ва таърифномасини белгилайди.

Агар фирибгарлик содир килингандан кейин қисқа вакт ўтган ҳолларда қидирув ишларининг моҳияти ўғрилашлар, талончиликлар, босқинчиликларни тергов қилишда қўлланиладиган жиноятни "иссиғида" очиш ҳаракатларидан ҳеч бир фарқ қилмайди, жабрланувчи, гувоҳларни жиноятчилар қаерга кочганликларини сўраш; телефон ёки рация бўйича яқин худудий ва транспорт ички ишлар органларига жиноятчиларнинг ташқи кўриниши ва ўғирлан мулк тўғрисидаги ахборотни етказиш ва ҳоказо.

Агар жиноят содир этилган вақтидан узоқ вакт муддат ўтган бўлса, у ҳолда қидирув йўналиши, унинг таърифи воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, жабрланувчи, шоҳидларни сўрок қилиш ва тезкор кидирув чораларининг кандай натижалар берганига боғлиқ бўлиб колади, криминалистик рўйхатлардан фойдаланиш қидириув ишларида катта ёрдам беради (масалан, алфавит-дактилоскопик рўйхат, лақаблар ва оператив қизиқишга эга шахсларнинг рўйхати ва ҳоказо).

Ушбу тергов холатига асосан фирибгарларни кидирув чораларининг энг натижаси куйидагилардан иборат:

- ички ишлар бўлимларига содир қилинган жиноят ва уни содир қилган шахс тўғрисида тегишли ахборот бериб унинг ташқи кўриниши тўғрисида маълумот етказиш;

- фирибгарлик содир бўлиш жойларини назоратига олиб, у ерларда жиноят йўли билан ўзлаштирилган мулкни сотиш фактларини қайд қилиш дўконлар, ломбардлар, бозорлар, вокзаллар ва аоропортларда кидирув гуруҳларини ташкил қилиш ва ушбу гуруҳларнинг ичига жабрланувчилар

ва гувохларни кўшиб жамоа жойларини ва фирибгарларни учратиш мумкин бўлган жойларии текшириб юриш (кинотеатрлар, театрлар парклар, пляжлар, вокзаллар, аэропортларни, барлари ва ресторанларни);

Буюм ва хужжатларни сичниклаб уларни кўздан кечиргандан сўнг, бундай харакатлар фирибгарларни аниклашга ёрдам беради. Буюм ва хужжатларни куўздан кечирганда жиноят иши учун куйидагилар ахамиятга эга бўлади;

а) кўздан кечириладиган хужжат ёки буюмнинг аломатлари, негаки бу белгилар мазкур хужжат ёки буюмга эгаси бўлган шахс таърифини жиноий ишга алокадорлигини кўрсатиш мумкин;

б) предмет ёки хужжатнинг холати масалан, буюм ёки пулга алокадор "кўғирчок"нинг ўралиш сифати, буюмнинг кўлда ёки корхонада тайёрланганлиги);

в) кўздан кечириладиган буюм ёки хужжатда бармок изларини борлиги;

Фирибгарликни очишда куйидаги кечиктириб бўлмайдиган тезкор-кидирув чоралари алохида ўрин тутади:

- жиноятни "иссиғида" кидириш ишларини олиб бориш;

- шахар, туман ички ишлар органларининг хамма хизмат кисмларини хабар бериш;

- кўшимча ёрдам кучлардан фойдаланиш[46].

## 4.2. Фирибгарлик жиноятини тергов килишда келгуси тергов харакатлари ва жиноятни содир килинишига олиб келган сабаб ва шароитлар.

Кейинги тергов харакатлари жумласига гувохларни сўрок килиш, таниб олиш учун кўрсатиш, экспертизаларни тайинлаш, юзлаштириш, айбланувчини сўрок килиш киради.

Гувохлара сўрок килиш; фирибгарлар жинояти гувохларсиз содир килишга интилишади. Лекин барча холларда иш буйича геракли бўлган кўргазмаларини берадиган ва айбланувчининг шахси (шубхаланаётган шахс

[46]Криминалистика электрон мажмуа, Маъруза матнлари, Козиходжаев Ж.Х. 2013 й

тўғрисида ёки унинг кариндош, ўртоклари; хамкасабалари тўғрисида ахборот берадиган гувохлар топилади.

Бундай гувохларни сўрок қилиш даврида қуйидагилар аникланади:

- шубҳаланилаётган айбланувчи шахс қандай хаёт кечиригани, у ишлаганми ва қандай ишлаган, унинг иш хаки қанча бўлган ва ҳаказолар;

- унинг алоқалари қанақа, ким билан дўстлашиб юрган ва бўш вактини қандай ўтказган, унинг танишлари ичида аввал судланганлар борми;

- фирибгарни фош килишнинг самарали усуллардан бири - таниб олиш учун кўрсатишдир.

Таниб олиш учун кўрсатиш харакатлари қуйидагилардан иборат:

- шубҳаланилаётган шахсларни таниб олиш учун кўрсатиш;

- фирибгарга жабрланувчидан берилган предмет ва буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш ушбу буюм ва предметлар шубҳаланилаётган шахсни ёки унинг турар жойи ёхуд иш жойини тинтув килищда аникланган бўлса ва ҳакозолар.

Жабрланувчини сўрок килиб бўлгач унинг кўрсатмаси асосида фирибгарнинг ташки киёфаси таърифидан кейин жабрланувчига холислар хузурида фирибгарларни фото суратлари кўрсатилади ва фирибгар шахсини, предметларни, буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш процессуал жиҳатдан расмийлаштирилади.

Фирибгарлар юзлаштириш пайтида тергов қилиш жараёни уларга каерда қандай исбот-далиллар тўпланганлигини ва хоказоларни билишга иитиладилар. Шунинг учун юзлаштиришни ўтказишдан аввал унга хар томонлама тайёрланиш керак бўлади. Юзлаштиришни терговчининг бир ўзи ўказмасдан ички ишлар бўлмининг икки ходими ёки терговчиси ўтказиши мумкин.

Иккита фирибгар ўртасида уюштирилган юзлаштиришга жуда муфассал равишда' тайёрланиши керак. Бунинг учун уларнинг хоҳиш-интилишларини аниклаш улар ўзини юзлаштиришда кандай ҳаракат килишлари, кўргазма беришдан бош торгишлари бўлиши мумкинлигини, кўргазмаларини қай тарзда тўлиқ олиб борилишга эътибор бериш керак.

Экспертиза тайинлаш. Криминалистик экспертазаларнинг барча турларидан фирибгарликни тергов килишда хужжатларни криминалистик экспертиза килиш характерли, десак тўғри бўлади яъний хужжатларни техник тадкик килиш, дастхатшунослик ва трасологик экспертизаяар ўтказиш.

Трасологик экспертизалар ўтказиш вақтида аввал тўлик бўлган буюмни унинг (кисмлари) асосида ўтказилади. Масалан, фирибгар "кўғирчоклар" кандайдир бир мато, коғозга ўраб унинг бир кисмини ўзида саклаб колади. Кейин тинтув пайтида трасологик экспертизага юборилади ва экспертиза асосида "кўғирчокни" ўралган нарса билан топилган кисм бир буюм бўлганми деган савол қўйилади.

Фирибгарликни тергов килиш даврида, криминалистик экспертазалардан ташқари бошка суд экспертизалари хам ўтказиш мумкин бўлиб колиши мумкин. Масалан, физик-химёвий экспертиза "кимматбаҳо" қалбаки буюмларни аниклашда ўтказилади.

Суд-кимёвий экспертизасини ўтказиш пайтида коғознинг кимёвий таркиби ва ишлатилган бўёқлар қандай нарсадан ишлангани аникланса, техник экспертизада мухрларнинг кандай усулда тайёрланганлиги аникланади.

Айбланувчини сўрок килиш - фирибгарлик билан одатда тажрибали жиноятчилар шуғулланадилар, яъни улар рецидивист бўладилар. Улар ўз жиноятларини инкор қилиб, унга алоқалари йўқлигини важ қиладилар.

Фирибгарликнинг содир килишини қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин бўлади:

- мехнатга локайд муносабатда бўлиш, текин хаёт кечиришга интилиш;

турмушга айрим қийинчиликлар натижасида, масалан шахсга нисбатан фирибгарлик содир килинишига ва ўзининг моддий аҳволини енгилаштириш учун шахс фирибгарлик килишга жазм этади. Қуйидагилар фирибгарликкинг содир килинишига олиб келади:

- жабрланувчиларнинкг давлат ва жамоат мулкига жавобгар бўлган

шахсларнинг нотўғри ҳаракатлари (савдо коидаларига риоя килмаслик таккабур, бўлар-бўлмас нарсаларга ишониш, лақмалик, маҳмадоналик ва ҳоказолар).

- фирибгарларкнинг алдаш учун кенг кўллайдиган усулларни фош килиш ҳакидаги ҳуқуқий тарғиботнинг етарли эмаслиги;

- товар-моддий бойликлар ҳужжатларини пухта расмийлаштирмаслик кредит сотилган моллар ҳужжатларини расмийлаштиришда камчиликларга йўл қўйиш;

- кенг таркалган сохта ҳужжатларнинг қандай кўриниши тўғрисидаги маълумотларни моддий жавобгар шахсларнинг ўқитиш жараёнида мукаммал тушунча бермаслик ёки кам маълумот бериш;

- айбланувчи айбига икрор булганда у томондан фирибгарликни кандай содир қилганлигини аниклаб иштирокчиларнинг кимлиги, уларда хар бирининг ролини, ҳамда жиноятнинг содир бўлиш ҳолатларини ва унга содир этилишига олиб келган. шарт-шароитлар аникланиши лозим[47].

Шундай килиб, фирибгарликни тергов қилишда умумий тавсиялар амалиётда кўллай билиш фирибгарлик билан курашга салмокли ёрдам бериши мумкин.

---

[47] Kriminalistika. (maxsus qism). II-jild (darslik). Mualliflar jamoasi - T.:TDYUI, 2008.- 339 b

# ХУЛОСА

Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Фирибгарлик жинояти алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Жисмоний усул хос бўлган бошқа кўпгина жиноятлардан фарқли равишда фирибгарлик жиноятида айбдор ҳаракатлари ахборот хусусиятига эга бўлади ёки айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч асосида шаклланган бўлади. Қонунда мулкни эгаллаш ёки мулкка бўлган ҳуқуққа эга бўлиш усули сифатида мазкур талон-торож қилиш шаклининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ёлғон ёки ишончни суиистеъмол қилиш кўрсатилган. Бироқ, алдаш ҳали мол-мулкни олиш ва уни жиноятчи фойдасига ўтказиш, дегани эмас. Фирибгарлик таркибида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш асосий ҳаракат содир этилишини таъминлайдиган ёрдамчи ҳаракат сифатида амалга оширилади.

Кўп ҳолларда фирибгар ўз шахсига тааллуқли бўлган қалбаки ҳужжатлар товарлар кредит ёки прокат учун нарсалар олиши мумкин. Бунда фирибгар нафақат ўз номидан алдамоқда, балки ўзининг ҳаракатларида ҳам алдов ишлатади. Олинган нарсаларни ўз вақтида қайтаришни ваъда қилсада, ўз ваъдасини хеч қачон бажармайди.

Фирибгарлик жинояти оғир жиноятларидан саналиб, ЖКнинг 168-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш учун объектив томонининг белгиларини кенгрок ўрганиб чиқиб квалификасия қилиш лозим.

Фирибгарлик жиноятини ўрганиб чиқиб, тергов ва суд амалиёти маълумотларини таҳлил қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида мулкка нисбатан талон-торожнинг фирибгарона усулининг оғирлаштируви ҳолатларда содир этиш каби масалаларни ўрганиб чиқиб, шундай хулоса ва таклифларга келдик:

1. Судлов амалиётини урганиш судлар ўзгалар мулкини фирибгарлик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича қонунларни асосан тўғри қўллаётганлигини кўрсатди. Шу билан биргаликда уларнинг амалий иш

фаолиятида баъзи бир хато ва камчиликлар учрамокда. Бир катор муоммолар буйича қонун талабларини тушунишда бир хиллик мавжуд эмас.

Ушбу тоифадаги жиноят ишларини кўраётганда суд амалиётида йул қўйилаётган хатоликлар ва муоммоларни бартараф қилиш ва судлов фаолиятиии такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистан Республикаси Олий судининг Пленуми тергов ва судларга қарорлар қабул қилишшда янада чуқуррок ёндашса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Ҳозирги кунда жиноятнинг компьютерлаштирилаётган усуллари ҳам учрамокда. Шундан келиб чиқиб, мулк, мулкий ҳуқуқни компьютер воситасида ҳам талон-тарож қилинмокда. Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167, -168, -169-моддаларида мавжуд компьютер билан боғлик нормаларни қўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори ишлаб чиқилиши керакли давр талабидир.

**Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўкув кўлланмалар рўйхати.**

**Раҳбарий адабиётлар:**


1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-5.–Т.: Ўзбекистон, 1997
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида:Т-6.–Т.:Ўзбекистон,1998
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон,1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т-9.–Т.: Ўзбекистон, 2001
10. Каримов И.А Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак.Т.10-Т.: “ Ўзбекистон”, 2002
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “ Ўзбекистон”, 2003
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “ Ўзбекистон”, 2004
13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т: « Ўзбекистон”, 2005
15. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. -Т.: Ўзбекистон, 2007
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009
20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли

фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза).

22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир (2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза).

23. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009

24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2011 йил 22 январь. Халқ сўзи.16-сон.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», 2011.

27. “Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамияти қуриш - ёруғ Мкелажагимизнинг асосий омилидир”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маьрузаси. Т., Ўзбекистон. 2013.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маьрузаси. Т., Ўзбекистон. 2014.

**Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.:2013 .
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.Т.:2013.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.Т.:2013
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.Т.2013
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.2013
6. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (30.08.2002 .).

7. Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонуни.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИТВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонуни.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 2004 йил 26 август қонуни.

**Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар**


1. Абдумажидов Ғ.А., Норбоев А.Н, Алимова Р.А., Криминалистика: Учебник. Т.: ТГЮИ, 2008.- 495 б.
2. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н ва б. Криминалистика. Дарслик. 1 – қисм. – Т.: Адолат, 2003.- 367 б.
3. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н. ва б. Криминалистика. Дарслик. 2 – кисм. – Т.: Адолат, 2003.-259 б.
4. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Закутский А.С. ва б. Криминалистика. Дарслик. – Т.: Фан ва техналогиялар, 2005.- 532 б.
5. Алимова Р.А., Норбоев А.Н., Закутский А.С ва б. Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2000.-114 б.
6. Алимова Р.А., Норбоев А.Н., Закутский А.С ва б. Криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Қатортол – Камолот, 1999.- 171 б.
7. Норбоев А., Ахмедов Т. Портловчи воситалар билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартиби. Ўқув қўлланма. –Т., ТДЮИ 2005.-47 б.
8. Рустамбоев М.Х., Норбоев А.Н. Криминалистика – схемалар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2002.- 251б.
9. Алимова Р.А. Жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2006.- 128 б.
10. Закутский А.С. Вопросы организации и проведения судебных экспертиз. Учебное пособие.- Т.: ТДЮИ, 2006.-109 с.
11. Закутский А.С. Методика расследования преступлений. Учебное пособие.- Т.: ТДЮИ, 2006.-131 с.
12. Курс уголовного права Республики Узбекистан Том-1 общая часть учение о преступлении.учебник. М.Х. Рустамбоев. - Т.:ТДЮИ, 2009.-526 ст.
13. Курс уголовного права Республики Узбекистан Том-2 общая часть учение о наказании. учебник. М.Х. Рустамбоев. - Т.:ТДЮИ, 2009.-394 ст.
14. Курс уголовного права Республики Узбекистан Том-3 особенная часть. учебник. М.Х. Рустамбоев. - Т.:ТДЮИ, 2009.-423 ст.
15. Курс уголовного права Республики Узбекистан Том-4 особенная часть. учебник. М.Х. Рустамбоев. - Т.:ТДЮИ, 2009.-513 ст.

16. Курс уголовного права Республики Узбекистан Том-5 особенная часть. учебник. М.Х. Рустамбоев. - Т.:ТДЮИ, 2009.-401 ст.
17. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. - Т.:ТДЮИ, 2009.- 950 б.
18. Сўроқ килиш. Монография. Й.Рахимов. - Т.:ТДЮИ, 2009.- 284 б.
19. Jinoyat protsessi. (maxsus qism). Mualliflar jamoasi. - T.:TDYUI, 2009.- 359 b.
12. Kriminalistika. (maxsus qism). I-jild (darslik). Mualliflar jamoasi. - T.:TDYUI, 2008.- 339 b.
13. Kriminalistika. (maxsus qism). II-jild (darslik). Mualliflar jamoasi. - T.:TDYUI, 2008.- 339 b.
14. Криминалистика фанидан қўлланма (услубий қўлланма). Р.Инамов. Н-2008. -203 б.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ищенко Е.П., Топорков А.А. Криминалистика: Учебник. Изд. 2-е, испр. и доп./Под ред. доктора юридических наук, профессора Е.П. Ищенко - Юридическая фирма "Контракт", "Инфра-М", 2005.- 632 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: “Ўзбекистон” 2008.- 496 б.
3. Белкин Р.С. Курс криминалистики. В 3 - х т. – М.: Юрист, 1997.- 950 с.
4. Волынский А.Ф. и др. Криминалистика. Учебник для ВУЗов. / - ЮНИТИ, 2000.- 720 с.
5. Криминалистика. Учебник Под ред В.А.Образцова. - М.: Юрист, 2002. – 429 с.
6. Криминалистика: Учебник / Под. ред. Яблокова Н.П. – М.: БЕК, 1997.-539 с.
7. Криминалистика. Учебное пособие. Под ред. Дулова А.В. Минск.: ИП Экоперспектива, 1998.-258 с.
8. Аминев Ф.Г. Актуальные проблемы формирования и использования экспертно – криминалистических учетов в расследовании и раскрытии преступлений. Уфа, 2004.- 328 с.
9. Белозоров Ю.Н. Нечаев Е.А., Незаконный оборот незаконного оружия, боеприпасов, взрывных веществ и взрывных устройств. Научно практическое пособие. – М.: Юрид. лит., 2000. 210 с.
10. Беляков А.А. Взрывчатые вещества и взрывные устройства. Криминалистическая взрывотехника. / - М.: Юрлитинформ, 2003.- 143 с.
11. Волчецкая Т.С. Современные проблемы моделирования в криминалистике и следственной практике: Учебное пособие / Калинингр. ун-т. – Калининград, 1997. – 93 с.
12. Духно Н.А., Корухов Ю.Г. Расследование экологических преступлений. - М., 2002.- 171 с.

13. Корженевский Ю.В. Криминалистика для судебного следствия. / - М.: Юрлитинформ, 2002. -211 с.
14. Криминалистика. / Астапкина М.М., Астапкин Д.И. – Инфра – М, 2002.- 538 с.
15. Коршунова О.Н., Павлик М.Ю., Овчинникова Г.В. Захват заложника. Уголовно-правовые, криминологические и криминалистические проблемы. / - М.: Юридический Центр Пресс, 2001.- 326 с.
16. Маликов С.В., Козловцев В.А. Краткий курс криминалистики. Вопросы и ответы. / - М.: Юрлитинформ, 2002.-371 с.
17. Осмотр место происшествия: практические пособие / Под ред. Дворкина А.И. М., 2000.- 148 с.

**Электрон таълим ресурслари**

1. http://www. zakon.ru. http://www.vipdiplom..ru
2. http://www. zakon.ru. http://www.vipdiplom..ru
3. www. jurisby..ru
4. www. zakonssu.samara.ru.
5. www.pravo.eup..ru.
6. http://www. zakon.ru. http://www.vipdiplom..ru